Ҳақсевар, она юрт, мангу бўл обод!

# ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

Вилоят ижтимоий-сиёсий газетаси ♦ TOSHKENT HAQIQATI

1928 йил 11 декабрда асос солинган • 1996 йил 14 август, чоршанба • № 64 (10.839) • Эркин нархда сотилади

1 СЕНТЯБРЬ — ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МУСТАҚИЛЛИГИ КУНИ

# ЎЗБЕКИСТОНИМИЗНИНГ НУРАФШОН ЙЎЛИ

## Мактубларда дил сўзлари

### МУСТАҚИЛЛИК БОР БЎЛСИН!

ШУ КУНЛАРДА кайфим чоғ, хотирам жам, рўёбдаги орзуларим кулмоқда. Назаримда, келажак наслимиз биздан бир умр миннатдор бўлиб яшашади, нурли бўлажак истиқбол сари қадам ташлайди. Буларнинг ҳаммаси мустақиллик шарофатидир!

Мана, мустақилликнинг беш йиллигини ҳам кутиб оляпмиз. Бугун қўлимизни қаерга узатсак, етади. Шу фурсатда баралла, комил ишонч билан айтишим мумкинки, биз босган йўл мустақиллигимизнинг мунаввар йўлидир! Бу йўлда холис ниятлар ва самимий мўлжалларимиз амалга ошмоқда.

Бутун қалб кўримизни, меҳримизни омухта қилиб, мамлакатимизнинг янада ривож топиши учун ҳар соҳада бунёдкор, ижодкор бўлишимиз лозим кўринади. Эндиликда шаҳар ва қишлоқларимиз бирдек яшнаб бормоқда. Бу ҳам мустақиллик туфайлидир!

Барака уруғлари далаларда ҳосил бермоқда. Кундан кунга турмушимиз фаровон бўлиб, маъмурчилигимиз бўй тикламоқда. Булар ҳам мустақиллик боисидир!

Мустақиллигимиз ҳаққи ва ҳурмати бугун байроғимиз бошимиз узра мағрур ҳилпирамоқда. Бор бўлсин, ёруғ ва нурли Мустақиллигимиз, деб ҳайқиргим келади!..

**Толиб ЙЎЛДОШ,**
*шоир, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими.*

### ЎЗ ЕРИМНИНГ СОҲИБИМАН

Ҳар куни саҳар мардондан далага чиқишни канда қилмайман. Гуж-гуж кўсак ва гулларга чулғанган пахта майдонларининг, тилими тилни ёрадиган қовун ва тарвузлар кўзилаган полизларнинг, маккаю сабзавот гуркираб ўсаётган пайкалларнинг чиройидан баҳра олиб дилим яйрайди, хушнуд бўламан. Чунки, бу ерлар меники, ўзимники. Ҳаммаси бўлиб 11 гектар. Етиштираётган 30 тонна пахтамни йиғиб-териб давлатга топшираман. Қолган сабзавоту қовун тарвузлар эса рўзғоримга ярайди, есак-овқат, сотсак —жарақ-жарақ пул.

Илгари гектар-гектар ерга эгалик қила олармидик? Асло! Деҳқонга ер бериш уёкда турсин, заминдорни қулоқ қилишарди, халқ душмани деб, минг балога гирифтор этишарди. Шукурки, мустақилликка эришилгач, деҳқоннинг пешонаси ярқиради, кўксига офтоб тегди. Ер олдик, мулкдор бўлдик. Энди қанча меҳнат қилсак ўзимиз учун, она Ватан учун қиламиз. Мана шу эрк, мана шу мулк учун Президентимиз шаънига ҳар қанча раҳматлар айтсак арзийди!..

**Солибой БОЗОРБОЕВ,**
*Қуйичирчиқ тумани «Меҳнатобод» жамоа хўжалигидаги деҳқон-фермер хўжалиги эгаси.*

### ЧИНАКАМ БАЙНАЛМИЛАЛ ЮРТ

Тақдир тақозоси деб шунга айтишса керак-да. Ўзим Воронежда туғилиб ўсган бўлсам ҳам ҳаётимнинг асосий қисми Ўзбекистонда ўтмоқда. Умр йўлдошим Тошкентга фуқаро авиациясида ишлашга келгач, орадан бироз ўтгач Ўзбекистонга йўл олдим. Биринчи кунларданоқ ўзбек халқига хос ажойиб фазилатлар — байналмилаллик, меҳмондўстлик, миллатидан қатъий назар ҳаммани бирдек баравар кўришлик, камситилмасликнинг гувоҳи бўлдим.

Шу-шу тақдиримни Ўзбекистон билан боғладим. У мен каби миллионлаб кишилар учун қадрдон она-юрт бўлиб қолди. Унинг ажойиб табиати, битмас-туганмас бойликларининг мафтуниман. Шунинг учун ҳам бу ўлканинг бетакрор гўзал табиатини асраб-авайловчилар, келгуси авлодларга етказиб берувчилар сафига қўшилдим. Бизнинг вилоят табиатни муҳофаза қилиш қўмитамиз жамоаси ҳам байналмилалдир. Лекин, аҳил ва иноқ бир оила аъзоларидек яшаяпмиз ва меҳнат қиляпмиз. Ҳаммамиз мустақил республикамизнинг буюк истиқболига қатъий ишонамиз ва шу йўлда бир ёқадан бош чиқариб, ҳормай-толмай меҳнат қиламиз.

**Чармиан ПЕРЕПЕЛИЦИНА,**
*вилоят табиатни муҳофаза қилиш қўмитасининг бош мутахассиси.*

## ТАҚВИМ САҲИФАЛАРИ

• ***1992 ЙИЛ 8 ИЮЛЬ*** — *Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Хельсинкида Оврупо Ҳавфсизлик ва Ҳамкорлик Ташкилоти кенгашида нутқ сўзлади.*

• ***1992 ЙИЛ 16 НОЯБРЬ*** — *Тошкентда Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Ўзбекистонда ваколатхонасини очиш тўғрисида БМТ ва Ўзбекистон Республикаси ўртасида битим имзоланди.*

• ***1992 ЙИЛ 8 ДЕКАБРЬ*** — *ўн иккинчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг ўн биринчи сессиясида мустақил Ўзбекистоннинг биринчи Конституцияси қабул қилинди. Президент Ислом Каримов мазкур сессияда сўзлаган нутқида шундай деган эди: «Аввалambор, бу Конституция ўзининг туб моҳияти, фалсафаси, ғоясига кўра янги ҳужжатдир».*

## ҚУТЛУҒ БАЙРАМГА ҚИЗҒИН ТАЙЁРГАРЛИК

***Вазирлар Маҳкамасида 10 август куни Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг беш йиллигига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш ташкилий қўмитасининг мажлиси бўлди.***

Унда алоқадор вазирлик ва идоралар, давлат корпорацияси ва концернлар, уюшмалар ва жамоат ташкилотларининг раҳбарлари, Тошкент шаҳар туманларининг ҳокимлари иштирок этди.

Мажлисни Ўзбекистон Бош вазирининг биринчи ўринбосари, мазкур қўмита раиси И. Жўрабеков бошқарди.

Мажлисда мамлакатимиз пойтахти ва вилоятларида республика мустақиллигининг беш йиллигини нишонлашга тайёргарлик ишларининг бориши тўғрисидаги масала муҳокама этилди. Тошкент шаҳар ҳокимининг ўринбосари Ш. Жалилов, «Тошкентуйжойинвестқурилиш» корпорацияси раиси Т. Зокиров, «Ўзавтойўл» концерни раиси М. Абдуллаев, Ўзбекистон соғлиқни сақлаш вазирининг ўринбосари, республика бош санитария врачи Б. Ниёзматов ва бошқа мутасадди ташкилотлар раҳбарларининг шу ҳақдаги ахборотлари тингланди.

Сўзга чиққанлар мустақил Ўзбекистонимизда бўлажак байрамга ҳар қачонгидан ҳам пухта ва қизғин ҳозирлик кўрилаётгани, тайёргарлик ишлари ҳамма ерда ўзгача кўтаринки руҳда, зўр уюшқоқлик билан олиб борилаётганини қайд этиб, тақдирини жонажон Ватанининг буюк келажаги билан боғлаган ҳар бир инсон ана шу қутлуғ санага ўзининг муносиб улушини қўшаётгани, бундан эса унинг қалби зўр ифтихор, ғурур ва севинчга тўлаётганлигини алоҳида таъкидладилар.

Республикамизнинг вилоят, шаҳар ва туманларида улуғ айём шарафига кенг миқёсда қурилиш ва ободонлаштириш ишлари амалга оширилмоқда. Барча юбилей иншоотларини мустақиллик кунигача тўла фойдаланишга топшириш мўлжалланмоқда. Тошкентда шундай объектларни бунёд этиш ишлари мисли кўрилмаган суратларда олиб бориляпти. Пойтахтимизнинг Форобий кўчасидаги ўзгаришлар, Темурийлар даври тарихи музейи, янги бозорлар, савдо расталари, мактаблар, шифо масканлари қурилиши бунинг ёрқин исботидир. Ҳозир бу иншоотларда сўнгги пардозлаш ишлари бажарилмоқда. Кўчалар, хиёбонлар, дам олиш масканлари, турар-жойлар, спорт иншоотлари ва бозорлар тартибга келтирилмоқда, уларнинг санитария ҳолати яхшиланмоқда.

Шу билан бир қаторда мажлисда байрамга тайёргарлик кўриш билан боғлиқ баъзи камчиликлар, уларни тезда бартараф этиш йўлларига эътибор қаратилди, тегишли идора ва ташкилотлар раҳбарларига аниқ кўрсатмалар берилди. «Ўзбекистон — Ватаним маним» қўшиқлар кўрик-танлови якуний босқичига тайёргарлик ишларининг боришини янада жадаллаштириш зарурлиги таъкидлаб ўтилди.

Мажлисда Ўзбекистон Президентининг Давлат маслаҳатчиси Х. Жўраев, республика Бош вазирининг ўринбосарлари Д. Ғуломова, К. Раҳимов, С. Саидқосимов, М. Усмонов, Р. Юнусов, Б. Ҳамидов, Тошкент шаҳар ҳокими К. Тўлаганов қатнашди.

*(ЎзА).*

## ТАҚВИМ САҲИФАЛАРИ

• ***1992 ЙИЛ 9 ДЕКАБРЬ*** — *Ўзбекистон Республикасининг Конституциясини қабул қилиш ва Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинган кун — 8 декабрни умумхалқ байрами деб эълон қилиш тўғрисидаги қонунлар матбуотда чоп этилди.*

• ***1993 ЙИЛ 28 ЯНВАРЬ*** — *Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов халқаро иқтисодий форумнинг Давос шаҳридаги анжуманида иштирок этиш учун Швейцарияга ташриф буюрди.*

• ***1993 ЙИЛ 2 МАРТ*** — *Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Наврўз-умумхалқ байрами» тўғрисидаги қарори чоп этилди.*

• ***1993 ЙИЛ 6-7 МАЙ*** — *Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг ўн иккинчи чақириқ ўн иккинчи сессиясида «Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси тўғрисида»ги, «Ўзбекистон Республикасининг Конституциявий суди», «Ўзбекистон Республикасида пул системаси», «Соғлом авлод учун» орденини таъсис этиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонунлари қабул қилинди.*

## ВИЛОЯТ ҲАЁТИ: воқеалар, хабарлар, янгиликлар

### ПОЙТАХТДА ҲАМ ҚУРИШМОҚДА

Малакали қурувчилари билан анча йиллардан буён вилоятда танилиб келаётган Қўйлиқ кўпқиксозлик металл конструкциялари заводига қарашли махсус қурилиш-монтаж бошқармаси бинокорлари фақат вилоят туманларида эмас, Тошкент шаҳрида ҳам бунёдкорлик ишларини олиб бормоқдалар.

Хусусан, қурувчилардан бир гуруҳи пойтахтимизнинг Аҳмад Дониш мавзесида 48 квартирали уйни қуриб фойдаланишга топширди.

Шунингдек, бу жамлама ишчилари Тошкентнинг Чорсу спорт-соғломлаштириш ўйингоҳини барпо этишда ҳам фаол қатнашмоқдалар.

**Саидвали ҲАСАНОВ.**

### ҒОЛИБЛАР ЭЪЛОН ҚИЛИНАДИ

БЕКОБОД шаҳар ҳокимлиги «Бекобод ишчиси» — «Рабочий Бекабада» газеталари таҳририяти мустақилликнинг 5 йиллигига бағишлаб истиқлол мавзусини матбуотда кенг ёритиш, республика мустақилликка эришгандан буён қўлга киритилган ютуқларни тарғиб қилиш ҳамда янгича ҳаёт тарзини кўрсатиш мақсадида энг яхши публицистик мақола, энг яхши шеър ва ҳикоялар учун «Мустақиллик — менинг наздимда» номли танлов эълон қилган эди. Ҳозиргача ана шу мавзуда кўплаб мақолалар чоп этилди. Ғолиблар байрам арафасида маълум бўлади.

Айни чоғда, «Бекобод автобус такси саройи» ҳиссадорлик жамияти «Экосан» халқаро жамғармасининг «Халқ сўзи» — «Народное слово» ҳамда «Маҳалла» жамғармаси билан ҳамкорликда ўтказган танловининг ғолиби бўлди. Бунга автобус такси саройида амалга оширилган кўпгина хайрли ишлар: дарахтлар экиш, гуллар ўтказиш, ёмғирлатиб суғорадиган фонтанчаларни юзага келтириш, энг асосийси, ишчилар учун яхши шароитлар яратиб берилганлиги асос бўлди.

**Вали ҲАБИБОВ.**

### СОЛИҚЧИЛАРГА СОВҒА

МУСТАҚИЛЛИК байрами арафасида Чиноз тумани давлат солиқ инспекцияси ходимлари икки қаватли янги бинога кўчиб ўтдилар. Бу ерда иш жараёнлари асосан компьютерлаштирилган, унумли меҳнат қилиш учун бошқа зарур шарт-шароитлар ҳам яратилган.

Ушбу замонавий янги бинони ўз эгаларига топшириш маросимида туман ҳокими Эшмуҳаммад Бердиев қатнашиб, бундай қулайликдан сўнг давлат солиқ тизимидаги фаолият янада самарали бўлишини таъкидлади. Туман давлат солиқ инспекцияси бошлиғи Мўминжон Жалилов жамоа номидан сўзга чиқиб, тумандаги 33-механизациялашган кўчма колонна қурувчиларига миннатдорчилик билдирди.

**Орзиқул МАЪМУРОВ.**

### «ОВЕН» — ЕТМИШИНЧИ БЎЛДИ

ОЛМАЛИҚ ҳокими куни кеча ўзининг фармойиши билан йил бошидан бери шаҳарда барпо этилган яна бир тадбиркорлик тузилмасини рўйхатга олишга кўрсатма берди. Бу «Овен» хусусий корхонаси бўлиб, у аҳолига турли хизматлар кўрсатади, савдо-сотиқ билан шуғулланади. У йил бошидан бери рўйхатга олинган тадбиркорлик тузилмасининг етмишинчиси бўлди.

Бу тузилмаларнинг кўпчилиги ўз низом вазифаларини муваффақиятли уддаламоқдалар. Улар орасида турли-туман кенг истеъмол моллари ишлаб чиқарувчи корхоналар, қурилиш, таъмирлаш билан шуғулланувчи, савдо, транспорт, маиший хизмат кўрсатувчи жамиятлар кўпчиликни ташкил этади. Бу корхоналарнинг истеъмол бозорини тўлдиришга салмоқли ҳисса қўшмоқдалар.

**Собир ҲАМИДОВ.**

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ ҚАРОРИ

## Республикада нақд пул маблағлари эмиссияси ва касса режаси белгиланган даражасининг 1996 йилнинг июль ойидаги бажарилиш якунлари тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси қайд этадики, Марказий банк, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар, шаҳарлар ва туманлар ҳокимликлари, тижорат банклари, солиқ органлари ҳамда пулли хизматлар кўрсатувчи бошқа вазирликлар ва идоралар томонидан Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Нақд пул маблағлари эмиссиясини қисқартириш чора-тадбирлари тўғрисида» 1996 йил 2 июлдаги 230-сон қарори билан белгиланган параметрларни бажаришга оид изчил чора-тадбирлар амалга оширилди. Умуман республика ва Тошкент шаҳри бўйича нақд пул маблағлари эмиссияси даражасини пасайтиришнинг прогноз кўрсаткичларини бажаришга эришилди.

Шу билан бирга, Қорақалпоғистон Республикаси ва кўпгина вилоятлар ҳокимликлари нақд пул маблағлари эмиссияси даражасини пасайтиришга доир белгиланган прогнозларнинг бажарилишини таъминлай олмадилар.

Кўрсатиб ўтилган қарорнинг 4-бандига ва «Республика минтақаларида нақд пул маблағлари эмиссияси даражасини пасайтириш прогнозлари ва касса режалари бажарилиши учун раҳбарлар ва мансабдор шахсларнинг жавобгарлигини ошириш ва уларни рағбатлантириш тартиби тўғрисида Низом»га мувофиқ касса прогнозларининг 1996 йил июль ойидаги бажарилиш натижалари юзасидан Вазирлар Маҳкамаси қарор қилади:

1. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки, тижорат банклари ва Давлат солиқ қўмитасининг ўз минтақавий бўлинмалари мансабдор шахсларига нисбатан кўрсатиб ўтилган Низомга мувофиқ тегишли чоралар кўриш тўғрисидаги қарорлари маълумот учун қабул қилинсин.

2. Тошкент шаҳар ҳокими К. Н. Тўлаганов, унинг ўринбосарлари — Р. Ф. Файзуллаев ва Р. М. Шоабдураҳмонов 1996 йилнинг июль ойидаги касса режаси ҳамда нақд пул эмиссияси даражасини пасайтириш прогнозларини ошириб бажарганликлари учун ойлик лавозим маошининг 30 фоизи миқдорида мукофотлансинлар.

3. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгашининг Раиси ва унинг ўринбосарларига, шунингдек, вилоятларнинг ҳокимлари ва уларнинг ўринбосарларига нақд пул маблағлари эмиссияси даражасининг ҳамда касса режаларининг белгиланган прогнозларини бажармаганликлари учун ойлик лавозим маошига нисбатан иловага мувофиқ миқдорларда жарима солинсин.

4. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Раисининг, вилоятлар, шаҳарлар ва туманлар ҳокимларининг, шунингдек, «Ўзбексавдо», «Ўзмаишийхизмат», Ўзбекбирлашув уюшмалари, «Ўзавтотранс» корпорацияси, Алоқа вазирлиги, Коммунал хизмат кўрсатиш вазирлиги, «Тошшаҳарйўловчитранс» уюшмаси ҳамда Ўзбекистон Республикаси бошқа вазирликлари ва идоралари раҳбарларининг эътибори жойлардаги истеъмол бозорини кундалик эҳтиёж товарлари билан тўлдириш, пулли хизматлар кўрсатиш соҳасини кенгайтириш ва нақд пулларнинг айланишини жадаллаштириш ҳисобига аҳолига жорий тўловларни таъминлаш бўйича ишларнинг қониқарсизлигига қаратилсин.

5. Пул-кредит сиёсати бўйича республика комиссияси (Ф. М. Муллажонов) ва Давлат солиқ қўмитаси (Ш. Қ. Гатаулин) вилоятлар, шаҳарлар ва туманларда эмиссия даражасини пасайтириш прогнозларининг изчил бажарилиши устидан назоратни кучайтирсинлар. Нақд пулларнинг банкдан ташқари муомалада бўлишини кескин камайтириш, хўжалик юритувчи субъектларга тушумларни тўлиқ ва ўз вақтида инкассация қилиш бўйича қўшимча рағбатлар яратиш юзасидан аниқ чора-тадбирларни ўн кун муддатда ишлаб чиқсинлар.

6. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Президентининг Давлат маслаҳатчиси Т. А. Алимов зиммасига юклансин.

**Вазирлар Маҳкамасининг Раиси**
**И. КАРИМОВ.**

Тошкент шаҳри,
1996 йил 12 август.

*Вазирлар Маҳкамасининг 1996 йил 12 августдаги қарорига ИЛОВА*

**Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши раисига, вилоятлар ҳокимлари ва уларнинг ўринбосарларига 1996 йил июль ойидаги нақд пул эмиссияси даражасини пасайтириш прогнозлари ва касса режасининг бажарилиши натижалари бўйича солинадиган жарима МИҚДОРЛАРИ**

| Вилоятлар номи | Вазирлар Кенгашининг Раиси ва ҳокимлар | Ҳокимларнинг иқтисодий масалалар бўйича ўринбосарлари | Ҳокимларнинг халқ истеъмол товарлари, савдо ва пулли хизматлар бўйича ўринбосарлари | Жарима миқдори, иш ҳақига нисбатан фоизларда |
|---|---|---|---|---|
| Қорақалпоғистон Республикаси | Авезматов С. Й. | Қошқарбоев Д. | Бектурдиев Б. | 10 |
| Андижон | Обидов Қ. Ғ. | Иброҳимов Ш. Ғ. | Қаюмов М. Қ. | 20 |
| Бухоро | Раҳмонов М. Р. | Тўхтаев Ф. Н. | Жданов В. В. | 20 |
| Жиззах | Тошкенбоев А. Х. | Ҳакимов З. Х. | Узоқов Б. У. | 20 |
| Қашқадарё | Пармонов О. Д. | Насимов Р. Н. | Лихин А. Л. | 20 |
| Навоий | Ғаффоров Ҳ. Р. | Халимов А. Р. | Бердиев Э. Ш. | 20 |
| Наманган | Рапигалиев Б. | Нажмиддинов И. Х. | Маматқулов Э. Р. | 20 |
| Самарқанд | Мардиев А. М. | Умаров А. У. | Умаров Ш. Ҳ. | 20 |
| Сирдарё | Ҳасанов Ғ. Б. | Кровнов А. Н. | Раҳимов Т. А. | 20 |
| Сурхондарё | Норалиев Ж. | Аҳмедов А. А. | Аҳмедов Қ. Ҳ. | 20 |
| Тошкент | Рўзиев Э. М. | Ҳосилов Б. А. | Асадов Ҳ. | 20 |
| Фарғона | Исломов М. Й. | Ҳайдаров Ҳ. Ў. | Эргашев Б. М. | 20 |
| Хоразм | Юсупов И. | Султонов Ж. С. | Раҳимов Қ. | 20 |

## ВИЛОЯТ ҲАЁТИ: воқеалар, хабарлар, янгиликлар

### ЯНГИ ФОНД ТАШКИЛ ЭТИЛДИ

Республика оммавий ахборот воситалари раҳбарлари ҳамда матбуот нашрига эга бўлган вазирликлар, идоралар вакилларининг Тошкентда бўлиб ўтган таъсис конференциясида Ўзбекистон Республикаси оммавий ахборот воситаларини демократлаштириш ва қўллаб-қувватлаш масалалари билан шуғулланувчи янги ижтимоий-сиёсий фонд ташкил этилди.

Таъсисчилар янги ташкилот Низоми, фонд кенгаши ва бошқарувини тасдиқладилар. Қабул қилинган қарорга кўра, мазкур фонд Ўзбекистон Журналистлар уюшмаси ва матбуотни қўллаб-қувватлаш жамғармасининг меросхўри ҳисобланади.


Таъсис конференциясида «Ўзбекистон адабиёти ва санъати» газетасининг бош муҳаррири Аҳмаджон Мелибоев ҳамда Ўзбекистон телерадиокомпанияси бадиий кўрсатувлар дирекциясининг директори Аҳмад Аъзам фондининг раис-дошлари, матбуотни қўллаб-қувватлаш жамғармаси бошқарувининг раиси бўлиб ишлаб келаётган Рўзмат Сафоев бош директори этиб сайланди.

Конференция сўнггида фонд раҳбариятининг хорижий ва маҳаллий журналистлар учун дастлабки матбуот конференцияси бўлиб ўтди.

«Тошкент ҳақиқати»нинг байрамолди йўқламаси

# 1991 1 сентябрь 1996

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МУСТАҚИЛЛИГИ КУНИ



## Паркент

ҲАММАМИЗНИ ёруғ кунларга етаклаётган мустақиллигимизнинг дастлабки йили билан бугунги кунигача бўлган ўзгаришларни туманимиз мисолида таҳлил этадиган бўлсак, ҳокимлик фаолиятида уч йўналиш алоҳида кўзга ташланади. Биринчиси, иқтисодиётни мустаҳкамлаш мақсадида тадбиркорликка кенг йўл очилганлиги, иккинчиси, қишлоқ инфраструктурасини босқичма-босқич ривожлантириш ва учинчиси кам таъминланганларни ижтимоий ҳимоялашга кўпроқ эътибор берилганлигидир.

Биринчи ҳолат аҳоли зич яшаётган туман аҳли учун иш жойларини кўпайтирди. Иккинчиси туфайли кишиларнинг турмуш тарзи мазмунан бойиди. Туман маркази — Паркент шаҳри, қишлоқлар, янги барпо этилган-истиқомат жойлари қиёфаси ўзгариб кетди. Учинчиси ислоҳотларнинг халқ манфаатини кўзлаганига одамларда қатъий ишонч уйғотди. Ҳар уччала йўналишни режа асосида ривожлантириб боришда юртбошимиз нуқталарида, китобларида баён этилган беш тамойилга таяндик.

Бу талабларга қатъий амал қилган ҳолда, фермерлик ҳаракатини йўлга қўйишда ер сўраган одам деҳқончиликни, чорвачиликни, боғдорчиликни қай даражада билиш-билмаслиги «имтиҳон»дан ўтказилди. Чунки, бу йил ер бериб, 2-3 йил давомида унинг умрини бекор ўтказадиган ношуд киши фақат ўзигагина эмас, аҳолига ҳам зиён етказишини олдиндан ўйладик.

Режали иш, албатта, яхши натижалар бериши қишлоқ инфраструктурасини ривожлантириш борасида ҳам яққол сезилди. Ҳозиргача туманни газлаштириш 75 фоизни, ичимлик суви билан таъминлаш 80 фоизни ташкил этди. Республика Вазирлар Маҳкамасининг «2000 йилгача бўлган даврда Ўзбекистон республикаси қишлоқ инфраструктурасини ривожлантириш тўғрисида»ги шу йил 21 май қароридан кейин бу иш жадаллашди. Маиший хизмат тармоғи кенгайди. Қишлоқларда янги сартарошхоналар, пойафзал устахоналари очилди. Соғлиқни сақлаш муассасалари, шаҳобчалари қиёфаси ўзгариб, иш мазмунига эътибор кучайди. «Соғлом авлод учун» бошланган ҳаракатнинг амалий ифодаси сифатида шу йилнинг ўзида 2000 ўринли кураш майдони, 10 минг кишилик ўйингоҳ фойдаланишга топширилди. Энди Паркентда спорт майдони, ўйингоҳи бўлмаган қишлоқ қолмади, ҳисоб. Шуниси эътиборга лойиқки, уларни барпо этишни халқ ўз қўлига олди. Аксарият спорт даргоҳлари, саломатлик масканлари ҳашар йўли билан бунёд этиляпти.

Энди учинчи йўналиш — аҳолини ижтимоий ҳимоялаш тўғрисида тўхталадиган бўлсак, бу соҳа Президентимизнинг кам таъминланган оилаларни моддий қўллаб-қувватлаш фармонига мувофиқ, маҳаллалар орқали амалга оширилмоқда. Айни пайтда ҳар бир хўжалик, корхона ички имкониятидан келиб чиқиб, ўз аъзоси, ишчиси, пенсионерига зарур ёрдамни кўрсатаётир.

Белгилаб олган истиқбол дастуримизга кўра 5 йил ичида бир қатор йирик даргоҳлар қурилди. Шу вақт мобайнида «Паркент шароб» корхонаси ишга тушди. «Супермаркет» магазини очилди. Ўнга яқин гузарлар барпо этилди. Бир неча километр йўлга асфальт ётқизилди.

Қулайликлар яратилаётганини кўрган туман аҳлининг ғайрат шижоати тобора ортиб бормоқда.

# ИСЛОҲОТ — ЯНГИЛАНИШ ДЕГАНИ

Бу, ислоҳотлар туфайли мулк шакли ўзгарган ва янгича яшаш йўлида изланаётган хўжаликлар фаолиятида кўзга ташланмоқда. Ўтган йили давлатга туманимиз 34 минг тонна узум, 13 минг тонна сабзавот, 9 минг тонна ғалла, 6 минг тонна картошка ва бошқа маҳсулотлар топширган эди. Бу йил эса 10 минг 300 тонна дон сотиб давлат йиллик топшириғини ортиғи билан бажардик. Муваффақиятга «Бойқозон» корпорацияси, «Гулбоғ», «Қорақалпоқ» жамоа хўжаликлари муносиб ҳисса қўшдилар. Хусусан, «Бойқозон»да гектар бошига ғалла ҳосилдорлиги 50 центнердан ошиб кетди. Қолган хўжаликларда ҳам ҳосилдорлик анча ўсди.

Бир қараганда туманимизда ҳамма нарса силлиқ, равон кетаётгандек туюлади, йўқ, ундай эмас. Ҳал қилиниши керак бўлган муаммолар етарли. Биз чорва моллар сонини кўпайтириш, энг олис қишлоқларни ичимлик суви билан таъминлаш, халқ таълими муассасаларини капитал таъмирлаш, бу жойларда таълим-тарбия самарадорлигини ошириш борасида жиддий изланишимиз керак.

Кейинги йиллар кузатишлари шуни кўрсатдики, айрим хўжаликларда тадбиркорликни ривожлантиришга жиддий аҳамият берилляпти, бошқаларида бу масалага ҳамон панжа ортидан қараб келинмоқда. Нега? Хусусан, беш йил ичида «Бойқозон» корпорацияси кичик корхоналар очиш, одамларни янги иш жойларига жалб этиш борасида диққатга сазовор ишларни амалга оширди. Бу ерда мева қуритадиган, шарбат оладиган цехлар ишлаб турипти. Яқинда хўжаликда бир кеча-кундузда 25 тонна буғдойни ун қилиб берадиган тегирмон фойдаланишга топширилди. Корпорациянинг бир қатор участкаларида ҳам сув тегирмонлари ишлаб турипти. Айни пайтда хўжалик яна бошқа тармоқлар бўйича кичик цехлар қуриш, янги-янги иш жойлари очиш учун ҳаракат қилмоқда. Бу, албатта, Тоҳир Холтоев бошчилигидаги бошқарув аъзоларининг бевосита ташаббускорлиги, изланувчанлиги самарасидир.

Биз ана шундай интилиш, тадбиркорликка кенг йўл очишни туманимиздаги бошқа жамоа хўжаликларида ҳам кўришни истар эдик.

Тумандаги мавжуд фуқаролар йиғинини, маҳаллалар фаолиятини яхшилаш йўлида ҳали кўп иш қилишимиз керак бўлади. Яширишнинг ҳожати йўқ. Айрим фуқаролар йиғини, уларга қарашли кутубхоналар талаб даражасидаги биноларга эга эмас.

«Паркент» аҳолиси кўп ва йилдан-йилга туғилиш суръати ўсиб бораётган тумандир. Шу боисдан ҳам ёшларни иш билан таъминлаш масаласи ҳокимликнинг доимий эътиборида. Ана шу йўналишда қатор тадбирлар белгилаб олганмиз. Улар босқичма-босқич амалга оширилади. Шуни айтиш керакки, инсон фақат ейиш-ичиш ташвиши билангина ҳаёт кечирмайди. У маънавий баркамол бўлиши керак. Шу маънода мавжуд маънавият ва маърифат жамоатчилик маркази, «Камолот» туман жамғармаси фаолиятини яхшилаб, уларни қўллаб-қувватлаб бориш муҳим вазифалардан бири ҳисобланади.

Кўриниб турибдики, муаммолар етарли. Эришилган ютуқларни мустаҳкамлаш бош мақсад бўлиб қолаверади.

***Зайниддин ХЎЖАҲМЕДОВ,***
***туман ҳокимининг биринчи муовини.***

## Оҳангарон шаҳри

***ИШЧИЛАР чеҳраларида табассум пайдо бўлдими, демак, бу уларнинг оиласидан хотиржамлиги, рўзғоридан кўнгли тўқлиги белгисидир. «Оҳангароншифер» ҳиссадорлик жамияти 800 нафарга яқин кишини ўз бағрига олган. Бу ерда ҳар ойда бир миллион дона шифер, 800 километр узунликдаги асбест-цемент қувурлари ишлаб чиқарилмоқда. Жамоани ижтимоий ҳимоялаш эса корхона бошқарувининг доимий эътиборида. Ўтган йили ҳар бир акциядор битта акцияси ҳисобига 158 сўмдан фойда олди. Корхона дивиденди 9 миллион сўмдан ошиб кетди.***





*Суратларда: (чапдан ўнгга) корхона кранчиси Диловар Мамбетов, қувур цехининг омбор мудири Надежда Емельяноваларни кўриб турибсиз; корхонанинг шифер ҳамда қувур ишлаб чиқариш цехларида.*

***Равил Шамсутдинов олган суратлар.***

# БУНЁДКОРЛИК ЙИЛЛАРИ

МУСТАҚИЛЛИК — улуғ саодат. Республикамизда ҳуррият эълон қилинганидан буён ўтган ҳар бир кун биз учун мактаб бўлиб қолмоқда. Тараққиёт борасида ўзига хос йўлни танлаган Ўзбекистоннинг жаҳон ҳамжамиятидан муносиб ўрин олиши, ялпи интеграция сари бориши осон эмас эди. Бунинг учун янгича шароитларда Ватан туйғусини юракдан ҳис этиш, ижтимоий-иқтисодий соҳаларда туб ўзгаришларга эришиш, истиқлолимизнинг янги мафкурасини, қурилажак демократик давлатимизнинг ҳуқуқий асосларини яратиш талаб этиларди. Ана шу бўлажак ўзгаришлар мазмуни ва моҳияти, мамлакатимизни равнақ топтиришга даҳлдор бўлган йўналишлар Президентимиз белгилаб берган тамойиллар, фармонлар ва ҳукумат қарорларида ўз ифодасини топди.

Айни пайтда бошқарувда ҳокимлик шаклининг барқарорлашуви халқ билан раҳбарлик орасидаги алоқа масофасини қисқартирди, узвий яқинлик таъминланди ва бу ислоҳотларнинг биринчи босқичида белгиланган вазифаларнинг жадал амалга ошувини таъминлади. Иккинчи босқич тадбирлари ҳам бирин-кетин рўёбга чиқиб бормоқда.

Мустақиллигимизнинг ўтган йиллари мобайнида аниқ йўл-йўриқларга таянган, юртбошимиз кўрсатмаларига амал қилиб келаётган Оҳангарон шаҳрида ҳам бир қатор ижобий ўзгаришларга эришилди. Хусусан, мулкни давлат тасарруфидан чиқариш жараёни уюшқоқлик билан борди. «Оҳангарончемент», «Оҳангароншифер», «Оҳангарондон» каби корхоналар акционерлик жамиятларига айландилар.

Ислоҳотнинг бу йўналиши амалда ўзини оқлади. Эндиликда девидендлар ҳар бир меҳнаткашнинг даромадига барака киритмоқда. Янгича ўзгаришлар ҳамма жабҳада тадбиркорлик, тежамкорлик билан иш юритишга, ички имкониятлардан кўпроқ ва унумлироқ фойдаланишга даъват этди. Изланишлар қувончли самаралар бера бошлади.

Хусусан, «Оҳангарончемент» акционерлик жамиятида Қозоғистондан келтириладиган пирит огаркалари ўрнига Олмалиқ тоғ металлургия комбинати чиқиндилари ишлатилмоқда. Бу йилига 2400 тонна ўтга чидамли ғишт ишлаб чиқариш имконини берди. Илгари ана шундай ғиштнинг ҳар тоннасига 500 АҚШ доллари тўланиб четдан олиб келинарди. Ўтга бардошли ғишт чиқарилиши қурилиш материаллари саноатида куйдириш печларини таъминлашдек долзарб масалани ҳал этди.

«Қурилишпластмасса» ҳиссадорлик жамиятида ҳам Тошкент полимерлар химияси ва физикаси институти ва бошқа ташкилотлар билан ҳамкорликда четдан келтириладиган хом ашёлар ўрнига ўзимизда бор маҳсулотдан фойдаланиш устида иш олиб борилмоқда. Хусусан, ишлаб чиқарилаётган линолеумнинг сифатини пасайтирмасдан туриб, технологик компонентлар ўзгартирилди. «Оҳангаронмармар» жамоа корхонасида мармартош кесишдан қолган парчалардан мармар шағал ишлаб чиқарила бошланди ва жамоада чиқитсиз ишлаш йўлга қўйилди.

Истиқлол йиллари ичида ишлаб чиқариш технологиясидагина ўзгаришларга эришиб қолмай, ҳокимлик бошқаруви эътиборни шаҳарни ободонлаштиришга, кишилар турмуш тарзини яхшилашга, капитал сармоялар самарадорлигини оширишга қаратди.

Жорий йилнинг биринчи чорагида 13,2 миллион сўмлик қурилиш ишлари бажарилди. Фуқароларнинг шахсий сармоялари ҳисобига 1598 квадрат метр турар жой қурилди. Ўтган йиллар ичида «Цементчи» ўйингоҳининг фойдаланишга топширилиши ҳам аҳолини бениҳоя хурсанд этди. Ҳозир бу ўйингоҳда турли спорт мусобақалари, концерт ва йирик тадбирлар ўтказилмоқда. Мустақиллигимизнинг беш йиллиги мобайнида 450 ўринли мактаб, 250 ўринли болалар боғчаси, марказий деҳқон бозори қайта барпо этилди. Қариялар чойхонаси, ўнлаб шахсий дўконлар ва маиший хизмат тизими шохобчалари шарқона услубда қад ростламоқда. Булар шаҳримиз ҳуснига ҳусн бағишлаяпти.

Мустақилликнинг ўтган йилларида кам таъминланган оилаларни ижтимоий ҳимоялаш, миллий қадриятларимизни тиклаш ва халқимиз орасида кенг тарғиб этиш борасида анчагина ишлар қилинди. Шаҳримиздаги қариялар уйида тез-тез хайрли тадбирлар ўтказилиб турилади. Ташкилотлар, корхоналар ёд даргоҳда яшаётганларнинг кўнгилларини чоғ этиш мақсадида уларга турли совғалар топширадилар. Муассасани пул маблағлари билан қўллаб қувватлаб борадилар, ҳомийлик кўрсатадилар. Икки йилдирки, маҳалла ҳайрия жамғармаси, хотин-қизлар кенгаши қаровчисиз қолган оилалар фарзандларининг суннат тўйларини ўтказиб беришни анъанага айлантирганлар. Шунингдек, шаҳримизда ёлғиз қарияларни йўқлаш, уларнинг саломатлигидан хабардор бўлиб туриш ишларини туман ижтимоий таъминот бўлими аниқ режа асосида олиб бормоқда.

Айни пайтда мустақиллик йиллари даврида барча масалаларни маромида ҳал этяпмиз, дея олмайман. Ҳали шаҳар экологиясини яхшилаш, ободончиликни кенг йўлга қўйиш, аҳолини ичимлик суви билан етарлича таъминлаш, қишга тайёргарлик борасида анчагина ишларни амалга оширишимиз керак. Ҳозирги пайтда фаолият кўрсатаётган, акционерлик жамиятига айланган 7 та, жамоа корхонаси номини олган 3 та йирик саноат корхоналарида унумдорликни узлуксиз ошириб бориш учун ички имкониятлардан янада тўлиқроқ фойдаланишимиз лозим бўлади. Бундай имкониятлар эса бизда бор. Аммо уларни ҳали тўлиқ ишга солганимизча йўқ. Шунингдек, 200 га яқин хусусий кичик корхоналар фаолиятини янада яхшилаб борамиз.

Шаҳар ҳокими сифатида сўнгги йиллар ичида истиқлол туфайли маънавий ҳаётимизда рўй берган ўзгаришлар ҳам мени қувонтиради. Бир қатор акционерлик жамиятларида ёш ишчиларни тарбиялаш билан боғлиқ «Шогирд ва устоз», «Мураббий кунлари», «Оилада ота ўрни», «Фарзанд саломатлиги онадан бошланади» каби мавзуларда суҳбатлар ўтмоқда. «Оҳангароншифер», «Оҳангарончемент» ҳиссадорлик жамиятларида эса Президентимизнинг нутқлари, фармонлар, ҳукумат қарорларини ишчилар орасида ўрганишни ташкил этишда касаба уюшмалари фаоллик кўрсатмоқдалар. Мактабларда шаҳримизнинг тарихи, урушда қаҳрамонлик кўрсатиб ҳалок бўлганлар тақдири билан боғлиқ мавзуларни ўрганиш бўйича «Тарихимизнинг унутилмас саҳифалари» деб номланган тўгаракларнинг ташкил этилганлиги ҳам мустақиллик йиллари ичидаги эътиборга лойиқ тадбирлардан ҳисобланади.

Умуман олганда, беш йил ичида биз илгари 50 йил ичида ҳам эришиб бўлмайдиган ютуқларни қўлга киритдик, десам муболаға бўлмас. Бу муваффақиятларнинг ҳаммаси истиқлол шарофати эканлиги ҳар бир оҳангаронликнинг қалбига олам-олам қувонч бағишлайди.

***Александр РАСУЛОВ,***
***Оҳангарон шаҳар ҳокими.***

# ИШЧИЛАР ХУРСАНД

КЕЗИ келганда очиғини айтиш керак, бундан беш йил аввал бизнинг аҳволимиз ўта ночор эди. Истиқлол жамоага ёруғ йўлни кўрсатди. Олмалиқ тошга ишлов бериш комбинати таркибидан чиқиб «ўз кунимизни ўзимиз кўришга» жазм этдик. Эркинлик, ўз мулкимизга хўжайинлик ҳисси масъулиятимизни ҳам, ишчилар ғайратини ҳам оширди. Мана бир мисол. 1991 йилда корхона 20 минг квадрат метр гранит ва мармар плиталар тайёрлаган бўлса, ўтган йили истеъмолчиларга 30 минг квадрат метр маҳсулот етказиб берилди.

Ишимизни талаб даражасига кўтариш омилларини кидиряпмиз, илгари бирон бир ташаббус учун ҳам Москвадан жавоб кутардик. Энди бундан ҳолимиз. Шавазсой гранитининг габро тури, кўк гранит, қора тош конлари, Қурама тоғлари бағридаги қимматбаҳо безакли тошлар энди мустақил мамлакатимиз ихтиёрида.

Республикамизнинг сержило гранитлари ва мармарларига талаб катталигини ҳисобга олиб хорижий мамлакатлар фирмалари билан ҳамкорлик йўлга қўйилмоқда. Хусусан, Жанубий Корея ва олмониялик мутахассислар корхонамиз билан қизиқиб қолишди. Яқин келажакда бойликларимизни қайта ишлаш бўйича қўшма корхоналар барпо этиш режалаштирилмоқда.

Бугунги кунда тайёрлаётган маҳсулотларимиз Тошкентдаги Амир Темур музейини, метро қурилишларини, фавворалар деворчаларини безашда кўл келмоқда.

Тошга ишлов бериш ҳам санъат. Унинг ўзига яраша қийинчиликлари бор. Лекин мулкимиз энди ўзимизга яраётганидан хурсанд бўлган ишчилар тобора ғайрат кўрсатиб меҳнат қилмоқдалар. Ярим йиллик режани 104 фоиз бажарган эдик, июль ойи топшириғи 107 фоиз адо этилди. Корхонада Валентина Тен бошлиқ пардозчилар бригадаси, А. Рўзиев, А. Туганбоев, Р. Жуманиёзов каби ишчилар мустақиллигимизнинг беш йиллиги шарафига астойдил ишлаб кунлик топшириқларини 1,5 баравардан ошириб адо этмоқдалар.

***Людмила ТОЛМАЧЁВА,***
***Оҳангарон тошга ишлов бериш корхонаси бош иқтисодчиси.***

# ТОПАР-ТУТАРИМИЗ ТАДБИРКОРЛИКДАН

Республика Вазирлар Маҳкамасида 1996 йилнинг ярим йиллик якунлари бўйича бўлиб ўтган йиғилишда тадбиркорликка янада кенг йўл очиш, хусусийлаштириш борасидаги ислоҳотларни чуқурлаштириш ҳақида сўз борди. Бу шунчаки гап эмас. Ўзимизда маҳсулот ишлаб чиқарувчилар кўпайса, бунинг устига у жаҳон андозаси талабларига жавоб берса, нур устига аъло нурдир. Худди ана шу йўл иқтисодиётимизни тезда қувват олдириб, фаровонлигимизни таъминлайди.

Бу борада туманимизда ҳам анчагина ишлар амалга оширилди. Ҳозирги пайтда ҳудудимизда 345 хусусий корхона фаолият кўрсатяпти. Ҳусниддин Ризаев, Шуҳрат Эрматов, Тўрахўжа Алихўжаев каби тадбиркорлар очган «Заркент» тикувчилик, «Флюра» терини қайта ишлаш, «Дилноза» озиқ-овқат маҳсулотлари кичик корхоналари номи вилоятдан четда ҳам машҳур бўлса, Виталий Кучак бошчилигидаги нитратдан ҳоли соф ўғит тайёрлаётган «Ёрни тиклаш» корхонаси маҳсулотига ҳорижликлар эҳтиёжи тобора ортиб бораётир.

Шу йилнинг ўзида хусусий тармоқда 32,4 миллион сўмлик ялпи маҳсулот ишлаб чиқарилди. Бу муддат ичидаги савдо айланаси 24 миллион сўмдан ошиб кетди. Айни пайтда туман аҳолисига 36 та юридик мақомга эга бўлган, 250 та хусусий маиший хизмат шахобчалари хизмат кўрсатмоқда. Эндиликда туман қишлоқларида ҳаммоми, сартарошхонаси бўлмаган маҳаллани учрата олмайсиз.

Айниқса, кейинги йилларда меҳнаткашларни ижтимоий ҳимоялашга эътибор ортди. Сўнгги беш йил мобайнида 3,5 мингта янги ишчи ўринлари очилди. Фермерлар сони 1050 тадан ошиб кетди. Якка тартибда фаолият юргизувчилар ҳам кўпайди.

Паркент тадбиркорлари ишлаб чиқараётган маҳсулотларнинг тури хилма-хил. Тайёр кийимлар, нон маҳсулотлари, кулолчилик, қурилиш буюмлари, темирдан ясалган уй-рўзғор ашёлари... Уларни санаб тугатиб бўлмайди. Кўрсатилаётган хизмат турлари ҳам ранг-баранг. Булар, албатта, чегара эмас. Бундай хизмат кўрсатиш тармоқлари янада кенгайиб боради.

***Ориф ПРИМОВ,***
***туман маҳсулот ишлаб чиқариш ва тадбиркорлар палатаси раиси.***

# ОЛМОНИЯЛИКЛАР ҲАМКОР БЎЛИШАДИ

БЕШ мингдан кўпроқ аҳоли яшайдиган хўжалигимизнинг асосий касби-кори боғдорчилик ва ғаллакорлик. Ана шу икки соҳа бўйича бажараётган ишларимиз анча дуруст натижалар беряпти. Хусусан, 112 гектар суғориладиган майдоннинг ҳар гектаридан 41 центнердан дон етиштирилди. 260 гектар олма, шафтолизорнинг мевага кирган 120 гектаридан шу кунгача 600 тонна ҳосил олинди. Яна 1200 тонна маҳсулот топширилса, режа бажарилади.

Деҳқоннинг қандай меҳнат қилгани ғалвир сувдан кўтарилганда билинади, дейишади. Агар шу гап жоиз бўлса, жамоа хўжалигида Али Примов бошлиқ ғаллачилик бригадасининг ишини алоҳида таъкидлашни истар эдим. Анча йиллардан буён кўпчиликнинг ҳурматини қозониб келаётган бу миришкорлар мустақилликнинг беш йиллигига муносиб совғани тайёрлаб қўйишди. Бригадада 40 гектар майдоннинг ҳар гектаридан 43 центнердан дон ҳосили олинди.

Кўпгина соҳалардаги каби ғаллачиликда ҳам асосий таянч механизаторлар ҳисобланади. Бу борада Бахтиёр Мусаев, Миракбар Яхёевлар малакали эканликларини кўрсатдилар. Уларнинг ҳар бири мавсумда 5—6 гектардаги ғаллани нес-нобуд қилмай ўриб-йиғиб олиб, мавсумда кунига 25-30 тоннага етказиб дон янчиб бердилар.

Боғдорчиликда эса Ҳикмат Юнусов, Бозорбой Ҳасановлар шу тармоқнинг билимдонлари, усталари ҳисобланишади. Масалан, Ҳикмат Юнусов бригадаси 80 гектар майдондаги мевали боғни парвариш қилмоқда. Шу кунгача унинг аъзолари 150 тоннага яқин маҳсулотни харидорга етказиб беришди.

Мен айрим бригадаларда эришилаётган натижаларни бежиз келтираётганим йўқ. Хўжалик иқтисодиётини кўтаришда ер билан ана шундай тиллаша оладиган кишиларнинг меҳнатлари алоҳида аҳамият касб этмоқда. Натижада олинаётган соф даромаднинг бир қисми республика Вазирлар Маҳкамасининг қарорида таъкидланганидек, қишлоқда аҳоли турмуш тарзини яхшилаш, яъни қишлоқ инфраструктурасини ривожлантиришга сарфланмоқда.

Кейинги йиллар ичида «Қорақалпоқ» қиёфаси ҳам ўзгарди. Бир қатор хусусий дўконлар қурилди. Аҳолини ичимлик суви, газ билан таъминлаш ишлари давом этмоқда.

Хўжалигимиз фақат ёз мавсумида эмас, қишда ҳам аҳолини турли хил мевалар билан таъминлашни зиммасига олган. Бу мақсадда 2 минг тонна маҳсулот сиғадиган омбор ишга туширилди. Маҳсулотни қайта ишлаб берадиган консерва цехимиз ҳам бор. Шу кунларда Олмония, Американинг айрим фирмалари билан алоқа боғладик. Мевани қайта ишлаш бўйича такомиллашган технологияли қўшма корхоналар қуриш бўйича ҳужжатлар расмийлаштирилмоқда.

Бозор иқтисодиёти ҳар биримизни тадбиркор, серҳаракат бўлишга даъват қилаётир. Жамоа хўжалигимиз меҳнаткашлари буни тушуниб, давр талабларига мувофиқ ишлашга интилмоқдалар.

***Хайрулла УБАЙДУЛЛАЕВ,***
***«Қорақалпоқ» жамоа хўжалиги раиси.***






- *Ватан-дарвозадан бошланади. Шарқона услубда дид билан қурилган Паркент дарвозаси ҳам худди туман аҳлининг бағри каби кенг ва кўркамдир.*
- *Нон-иймон қадар муқаддас. Ризқ-рўз тимсоли нон ёпаётган бу онахонлар ана шундай шарофатли касб соҳибаларидир.*
- *Паркент тумани беш йил ичида таниб бўлмас даражада ўзгарди, бу ерда истиқлол йиллари мобайнида кўплаб кичик корхоналар, ўнлаб хусусий дўконлар, сартарошхоналар, пойабзал устахоналари фойдаланишга топширилди. Суратдаги хусусий дўкон ҳам ана шуларнинг бири дир.*

***Даврон АҲМАД олган суратлар.***

# ТАЪЛИМ УСЛУБИ ЎЗГАРГАЧ

БУГУНГИ кунда мактаб, олий, ўрта-махсус ўқув юртлари тизимида ҳам ислоҳотлар ўз самарасини кўрсата бошлади. Хусусан, гимназиялар, лицейлар, иқтидорли болаларни саралаб махсус синфларда ўқитиш усуллари истиқлолимиз меваси сифатида ўзининг ҳаётийлигини кўрсатди. Беш йилдан буён олий, ўрта-махсус ўқув юртларида абитуриентлар билимини синашнинг тест усули қулай ва одил «имтиҳон» эканлигини ўқитувчилар, жамоатчилик вакиллари қайта-қайта эътироф этишмоқда. Эндиликда билимларни бу усулда синаш Президентимиз фармони билан мустаҳкамлаб қўйилди. Мен ана шу фармонни ҳамда олий ўқув юртларига қабул тўғрисидаги ҳукуматимизнинг яқиндаги қарорини республикамизда таълим-тарбияга, илмга, малакали мутахассислар тайёрлашга бўлган катта эътибори деб тушунаман.

Бу ҳужжатларнинг моҳияти буюк. Мустақил бўлганимиздан кейин Ўзбекистонда миллий кадрлар тайёрлашга изчил киришилди. Шу мақсадда олий таълим муассасалари, ўрта-махсус ўқув юртлари моддий базаси мустаҳкамланмоқда. ЭҲМлар, компьютерлар таълим тизимидан қатъий ўрин олди. Кадрлар тайёрлашда биринчи навбатда зарур бўлган тармоқлар аниқланиб, шу соҳалар учун мутахассислар етиштириш йўлга қўйилди.

Бизнинг техникумимизда ҳам ана шу талабларга риоя қилинмоқда. Беш йил ичида мутахассислар тайёрлаш кўлами кенгайиб, саноат корхоналарига усқуналар ўрнатиш, фуқароларга қарашли биноларнинг электр усқуналарини таъмирлаш, ҳисобчилик назорати ва таҳлили каби янги иҳтисосликлар бўйича ҳам кадрлар тайёрланмоқда.

Техникумда республикамизнинг бир қатор вилоятларидан келган, ёшлар билим олишяпти. Ўқув хоналарини бугунги кун талабларидан келиб чиқиб безаганмиз. Ёшларни жисмоний бақувват, маънавий баркамол қилиб тарбиялаш учун бор имкониятлардан фойдаланяпмиз. Аммо камчиликлар ҳам йўқ эмас. Ҳали янги, замонавий компьютерлар етишмайди. Ўқув даргоҳимизда спортни ривожлантириш учун моддий база янада мустаҳкамланиши лозим. Ана шу масалаларни шу ўқув йилида ўз кучимиз билан ҳал этишга киришдик. Саноат корхоналари билан ҳамкорлик ўрнатилди. Биз бутун куч ғайратимизни, билимимизни мустақил республикамиз халқ хўжалиги учун малакали кадрлар тайёрлашга сарфлайверамиз.

***Абдуҳамид БЕКМУРОДОВ,***
***Оҳангарон шаҳар қурилиш моллари саноати техникуми директори.***

*Тошкент вилоятига бағишланди*

## ИСТИҚЛОЛ НУРИДАН МУНАВВАР ДИЁР

***Мамлакатнинг отахон газетаси — «ХАЛҚ СЎЗИ» мустақиллик айёми олдидан республика вилоятларига бағишлаб саҳифалар беришда давом этяпти. Унинг 10 август сони Тошкент вилояти меҳнаткашларининг байрам олди тараддудига қаратилди.***

«Тошкент вилояти аталган диёр, истиқлол нуридан зафарларга ёр!» умумий сарлавҳаси билан берилган ушбу кўш саҳифада вилоят меҳнат аҳлининг республика мустақиллигининг беш йиллигини баланд руҳ билан кутиб олаётганини ҳамда иқтисодий ислоҳотлар барча соҳаларда салмоқли самаралар бераётганини ўзида акс эттирган хўжаликнинг турли соҳаларидан мақолалар берилган.

«Ҳозир вилоятда рўйхатга олинган 10 мингдан зиёд корхона, шу жумладан 3 минг 700 дан ортиқ хусусий, 4370 та кичик, 1260 та деҳқон фермер хўжалиги, 360 та акционерлик жамияти фаолият кўрсатмоқда. 80 дан зиёд қўшма корхона чет эл инвестицияси билан ишламоқда», деб қайд этилган «Истиқлол берган самара» сарлавҳали мақолада. «Барқарорлик, осойишталик — катта неъмат» сарлавҳали мақолада эса Бўстонлиқ туманида тинч-тотув яшаётган 50 дан зиёд миллат ва элатларнинг ҳаёти ўз ифодасини топган.

Саҳифадаги иқтисодий ислоҳотлар соғлиқни сақлаш соҳасида ҳам яққол намоён бўлаётганини ўзида акс эттирган «Кетгут»... Узбекистонда ишлаб чиқарилади» сарлавҳали мақола ҳам киши эътиборини тортади. Булардан ташқари кўш саҳифада Пискент, Чиноз, Янгийўл туманлари, Олмалиқ шаҳри жамоаларида ва жойларда мустақилликнинг беш йиллиги давомида эришилган ютуқлар, янгиликлар ҳақида ҳикоя қилувчи мақолалар, фотосуратлар ҳам ўрин олган.



## Мустақиллик одимлари

# ЮЗ МАРТА ЭШИТГАНДАН...

**«Камолот» республика ёшлар жамғармаси ташаббуси билан яқинда Тошкент вилоятининг бир гуруҳ йигит-қизлари Андижон вилоятининг Асака шаҳридаги юртимиз ифтихори бўлган Ўзбекистон-Жанубий Корея қўшма корхонаси — «ЎзДЭУавто»да бўлиб, унинг иши билан яқиндан танишдилар.**

...19 ИЮЛЬ — «ЎзДЭУавто» қўшма корхонаси тарихи саҳифаларига зарҳал ҳарфлар билан битиладиган сана бўлиб қолди. Зеро, шу куни мазкур автокорхонанинг расмий очилиш маросими тантаналари байрам тусини олди. Ўша кундан эътиборан завод конвейерларидан бир текисда уч хил русумдаги автомашиналар бирин-кетин чиқиб келмоқда. Автогигант дарвозасидан ичкарига киришингиз билан дастлаб кўзга ташланадиган нарса — каттагина майдонни тўлдириб турган минг-минглаб бир текисда териб қўйилган автомашиналар бўлди. Йўлбошловчи уларга диққатимизни жалб этиб, «Мана шу машиналарнинг бари заводимизнинг илк маҳсулотлари ҳисобланади, биронтаси ҳам четдан келтирилган эмас», дея таъкидлади.

Завод цехлари бўйлаб саёҳатни бошлашдан аввал меҳмонлар учун ажратилган алоҳида хонада қўшма корхона фаолияти билан боғлиқ икки видеофильм намойиш этилди. Бизга ҳамроҳлик қилган «Камолот» жамғармасининг Андижон вилояти бўйича ижрочи директори Аҳмаджон Абдураҳмонов йигитларга завод ёшлари ҳақида мароқ билан сўзлаб берди.

— Заводда ўнта департамент турли йўналишлар бўйича ишни ташкил этган. Ишлар ҳар жиҳатдан замонавий усулда йўлга қўйилгани боис, ишлаб чиқаришдаги носозликлар ҳақида гап ҳам бўлиши мумкин эмас, — деди нархни режалаш ва назорат қилиш департаменти муҳандиси Тиловолди Абдураҳмонов. — Бизда, умуман, ҳар томонлама имтиёзлар ва қулайликлар мавжуд. Маошимиз ҳам яхши. Ҳозир бир сменада иш олиб борилмоқда. 1997 йилдан икки сменада иш ташкил этилади. Тушлик бепул, завод ходимлари эрталаб автобусларда ишга олиб келинади, ишдан сўнг уйларига элтиб қўйилади.

Ҳамманинг кўзи рўпарамизда яшнаб турган автомашиналарда. Қувонмай бўладими, ахир! Ўзимизнинг ёш йигит-қизлар қўлида сайқал топган шинам, ихчам, қулай автомашиналарга суқланиб қараб, тўймайсан, киши. Ҳавас ўрнини фахр туйғуси эгаллай бошлади. Қани энди, мана шуларнинг биттасини шартта ҳайдаб чиқиб кетаверсанг, — деди йигитлардан бири.

— Бунинг учун истаган автомашинангизни танлаб, автосалонимизга учрашсангиз, пулини нақд тўлайсиз-да, ярим соат ичида машинани ҳайдаб чиқиб кетаверасиз, — деди бунга жавобан нархни режалаш ва назорат қилиш департаменти ходими Зурия Ашураҳмедова, — ҳатто, ДАН рўйхатидан ўтказиш, нотариал ишлар ҳам бир жойнинг ўзида ҳал бўлади. Қулай ва осон...

Цехларни айланамиз. Мана қолиплаш цехи. Ундан наригиси йиғиш-пайвандлаш цехлари. Конвейерлар бетўхтов ишламоқда. Биринчи линияда «Дамас» ва «Тико» русумли автомашиналар, иккинчи линияда «Нексия»лар. Одамлар, роботлар, мусиқа — бари жўровоз. Энг муҳими завод ишчиларининг аксарият қисми ёш йигит-қизлар. Ўзбекистон автомобилсозлигининг келажаги, юртимиз донғини оламга таратадиган забардаст ўғлонлар машина ишлаб чиқаришяпти.

— Президентимиз Ислом Каримов «Бир вақтлар мен катта умидлар билан: «Қани энди бизнинг юртимизда ҳам ўзбек йигит-қизлари, Ўзбекистон фуқаролари бошқа тараққий топган давлат ва минтақалардагига ўхшаб, улардан ҳеч кам бўлмасдан, мана шундай замонавий енгил машиналарни бемалол миниб юрсак! — деб ҳавас қилар эдим» деганларида минг карра ҳақ эдилар, — дейди «Камолот» ёшлар жамғармаси Тошкент вилояти бўлимининг раиси Ёқуб Турсунов. — Чиндан ҳам, мана бугун ўз кўзимиз билан кўриб турганларимиз, завод цехларини айланиб, яна бир карра ишончимиз комил бўлдики, ёшлар — катта куч, улар тогни урса талқон қилади. Ўзбек йигит-қизлари қўлларидан чиқаётган автомашиналар юртимиз истиқболидан, унинг нурли келажагидан дарак беради. Ҳар қанча ҳавас қилса, арзигулик иш бўлди. ДЭУ концерни бутун дунёга машҳур, нуфузи ҳам баланд. Бу ном билан жаҳон бозорига чиқишимиз ҳам осон. Ишонаманки, вақти келиб, мутасаддилари гамлаб қўйилган маҳсулотларни сентябрь ойидан бошлаб аҳолига ва хорижга сотиш мўлжалланаётганини айтишди.

Завод цехлари бўйлаб саёҳатимизни тугатар эканмиз, эртанги кун сари дадил одим ташлаётган «ЎзДЭУавто»нинг тўла лойиҳадаги қувватга эришиб, йилига 200 минг дона автомобиль ишлаб чиқарадиган кун ҳам яқинлигига тўла ишонч ҳосил қилган ҳолда заводни тарк этдик. Мустақиллик шарофати билан ўзбек автомобилсозлиги улкан одимлар билан шаклланаётганидан фахр-ифтихор ҳиссини туйиб, буюк бобокалонимиз темуриийзода Заҳириддин Муҳаммад Бобур қадамжоларини зиёрат этдик. Андижоннинг мард ва танти, кўнгли кенг, иймони бақувват, инсофли ва диёнатли ажойиб инсонлари билан ҳамсуҳбат бўлиб, бир олам таассурот билан қайтдик.

***Миржалол МИРАЛИЕВ, «Тошкент ҳақиқати»нинг махсус мухбири.***



**СУРАТЛАРДА: «ЎзДЭУавто» қўшма корхонаси цехларида.**
***С. ЗУФАРОВ суратга олган (ЎзА).***

# ФЕРМЕРНИНГ МОЛИ ЕРДА

ГАП айланиб, фермерлар фаолиятига келиб тақалганида, Қуйичирчиқ тумани деҳқон-фермер хўжаликлари ассоциацияси раиси Абулқосим Аристонов суҳбатни бўлди-да, «Юз марта гапиргандан, бир марта кўрган афзал, яхшиси фермерларнинг ёнига бориб, уларнинг ишини ўз кўзингиз билан кўринг», — деди. Биргалашиб Беруний номли жамоа хўжалигига чиқдик. Кун иссиқ, аммо, далаларда тумонат одам. Кимдир пешонасини танғиб олиб, сувнинг қулоғини очиб юрибди, кимлардир эгатма-эгат юриб, ғўзаларни чилпияпти. Трактторига культиватор осиб олган механизатор йигитлар ғўзаларнинг тагини юмшатиш билан овора. Атрофи каллакланган дарахтлар билан қуршалган пайкалга келгач, А. Аристонов деди:

— Мадқаюмнинг даласи бу. Хўжаликнинг олди фермери.

Шода-шода гул ва кўсаклар боғлаган ғўзалар белга уради. Экиннинг томир-томирларигача сингиб, эгатлардан милдираб сув оқиб ётипти. Пешонасини танғиб олган сувчининг ўзи заминдор фермер Мадқаюм Азимбоев экан. Дала бошига келиб кўришаркан, қуюқ соя ташлаган толнинг тагига бошлади. Шовуллаб оқиб ётган ариққа бўғзигача ботирилган кўзадан муздаккина яхна чой қуйиб узатди.

— Ҳозиргина хосилот келиб кетганди, — деди Мадқаюм бугриқиб кетган юз-кўзларини елкасига ташлаб олган белбоғи билан артаркан. — Анави чиринди эгатлардан шарбат қилиб оқиз, шунда ғўзанинг илдизигача тез етиб боради, гули-кўсагини кўпайтиради, дейди. Хўп, дедим. Энди ху анави ердан ховузча қазиб, чиринди ўшатга ташиб боришим керак.

— Ховуз шопиришга ҳам ишчи кучи керак. Ортиқча одамларинг борми ўзи?

— Топаман, — ишонч билан деди Мадқаюм. — Бугун ғўзани чилпиб бўламиз, кишиларни эса у ердан шарбатга ташламоқчиман.

***Бу ҳақда Вазирлар Маҳкамаси мажлисида айтилган эди***

Гап мавзуи айланиб, деҳқон-фермер хўжалигининг ички ишлари ҳақида борди. 75 гектар майдонда пахта етиштириляпти. Мўлжал эса гектаридан 30 центнер ҳосил олиш. Булардан ташқари 6 гектар ердаги буғдойдан 40 центнердан хирмон кўтарилди. 4 гектарда макка, 15 гектарда беда ўстириляпти. Хўжаликда Мадқаюм Азимбоев синчиги ерга эгалик қилиб, эркин-эмин меҳнат қилаётган деҳқон-фермер хўжаликлари кўп. Хўжалик бошқаруви улар билан шартнома тузиб, ҳамма нарса билан таъминлайди.

— Ер ўзимизники бўлганидан кейин кечакундуз даладан чиқмай ишласак деярқансан, киши, — Мадқаюм Азимбоев завқ билан деди. — Негаки қанча ҳосил етиштирсанг, рўзғорингга келиб тушади. Илгари бой бўлиш фикрини, ҳатто, ҳаёлимизга ҳам келтиролмасдик. Энди эса кимман — заминдор Мадқаюм фермерман. Ана шу кунни ато этган Президентимиздан, мустақиллигимиздан ҳар қанча миннатдор бўлсак арзийди.

Туманда ер эгаси бўлиб, халол меҳнати билан қадрини тиклаб, мулкига-мулк қўшиб бораётган Мадқаюмбойлар кўп.

«Тошовул» жамоа хўжалигидан Дўйсенбой Чўлдаев ҳам 17 гектар ерли бўлди. Шундан 15 гектарида ғўза, икки гектарида макка ўстириляпти. «Меҳнатобод» жамоа хўжалигидан Солибой Бозорбоев фермер бўлиб 12 гектар ерда деҳончилик қиляпти. 11 гектар майдондаги ғўза тупларида ҳозирданоқ 7-10 тадан кўсак, 20-30 тадан гул ва шоналар санаш мумкин. Буларнинг барчаси парваришнинг зўрлигидан, сувдан, озиқадан зориқтирмай, ҳар туп ғўзага пуф-пуфлаб ишлов берилаётганидан. Фермер бу йил гектаридан камида 30 центнердан хирмон кўтаришни мўлжаллаб турипти. Оила аъзолари билан асад ойини тугатиб, йиғим-теримни бошлаб юборишга ҳозирлик кўришяпти.

— «Меҳнатобод» жамоа хўжалигининг ўзида 12 та, «Пахтачи»да 11 та, «Тошовул»да эса 9 та деҳқон-фермер хўжаликлари бор, — дейди Абулқосим Аристонов. — Уларнинг барчаси деҳончиликнинг ҳадисини олган тажрибали пахтакор ва сабзаватчилар... Мулкдор бўлгач, бор билим ва тажрибаларини ишга солиб, мўл-кўл хосил етиштиришяпти. Ахир энди улар ўзлари учун меҳнат қиладиларда.

Туманда шу кунгача 94 та деҳқон-фермер хўжаликлари ташкил топди. Шулардан 68 таси чорвачилик, 22 таси деҳончилик билан шуғулланади. Яна 31 гектар боғ-роғлари бўлган 4 та боғдорчилик сохибкор фермерлар ҳам бор. Деҳқон-фермер хўжаликларига 1230 гектар ер биркитилди.

Пахта — заминдор фермерларнинг асосий экини. 226,3 гектар ердаги ғўза майдонлари туманнинг кўркига айланган. Ҳар бир заминдор деҳқон-фермер хўжаликлари ассоциацияси орқали пахта заводи билан шартнома тузиб ишлаяпти. Бу дегани етиштирган ҳосил тайёрлаш пунктларида бетўхтов қабул қилиб олинади, завод ҳам тайёрланган пахтанинг ҳақини эрта-индин деб галга солмай вақтида тўлайди, заминдор ҳам ўғитни, техника, эҳтиёт қисмларни, турли хил дориларни, хуллас, келгусида ўзига нимаики зарур бўлса ҳаммасини харид қила оладиган бўлади.

— Деҳқон-фермер хўжаликлари пахтадан бўлак рўзғори ва сотиш учун яна 8,6 гектарда картошка, 23 гектарда қовун ва тарвуз, 22 гектар ерда сабзавот етиштиряптилар. 116 гектар майдондан 349 тонна буғдой ҳосили олиниб, шартномада белгиланган қисмини давлатга топширишди, — деди А. Аристонов.

Ҳозир чорвадор фермерлар қўлида сал кам минг бош қора мол, 415 бош қўй, 168 бош от, 1107 парранда тўпланган. Илгари чорвадор дегани фақат молини парвариш қилишнигина биларди, холос. Чорва моллари учун хўжаликнинг озуқа бригадаси уруғ экиб, беда ва пичан етиштирарди. Тайёр ҳолда фермага келтириб ғарамлаб берарди. Чорва моллари хусусийлашиб, фермер хўжаликлари қўлига ўтганидан кейин эса аҳвол тубдан ўзгарди. Фермерлар 922 гектар суғориладиган экин майдонларига ҳам эгалик қилишмоқда. Шундан 394 гектар майдонда беда, силос учун маккажўхори, лавлаги ва бошқа озуқабоп экинлар экишган. Шу кунгача 358,6 тонна беда пичани, 264,5 тонна ўт жамғариб, молхоналар ёнида ғарамлаб қўйишди.

«Ўжакент» жамоа хўжалигида Абдураҳмон Қаюмов 37 гектар майдоннинг бир қаричини ҳам бўш қўймай маккажўхори ва беда ўстиряпти. Унинг фермасида 80 бош қора мол, 27 бош сигир, 25 та қўй боғланган. Мўлкўл маҳсулот етиштиряпти. Фермер даромадининг бир қисмини тўплаб шу ернинг ўзида сир ишлаб чиқарадиган цех ҳам қурди. Энди согиб олинган сут цехда қайта ишланиб, сирга айлантирилмоқда. Абдураҳмон Қаюмов шу кунгача 2 тонна ишлаб чиқарилган сирни савдо ташкилотларига топширди. «Ўзбекистон» жамоа хўжалигидан фермер хўжалиги раҳбари Нурилла Ҳошимов 30 бош буқани сўқимга боқяпти. У ўтган йили 12 тонна гўшт етиштирган эди. Колбаса цехи очиб, гўштнинг ҳаммасини колбаса қилиб чиқарди. Бу йил ҳам шунча миқдорда сифатли маҳсулот тайёрламоқчи. Фермер фақат чорва молларини парвариш қилибгина қолмай, 40 гектар ерда деҳқончилик билан ҳам шуғулланяпти, беда ва маккажўхори ўстирмоқда. Сабзавоти етилиб ҳосил бера бошлади.

Халқимизда шундай бир ҳикоя бор: узоқ юртдан бир сайёҳ келиб, йўлда борар экан, ям-яшил далаларни кўриб сўрабди:

— Барака ёғилаётган бу далалар кимники?

— Эшмат заминдорники, — деб жавоб берибди йўловчилардан бири.

Сайёҳ йўлида давом этди ва уюр-уюр йилқи ва моллар ўтлаб юрган яйловни кўрсатиб, яна сўрабди:

— Сирти ялтираб турган бу семиз моллар кимники?

— Тошмат чорвадорники, — дейишибди йўловчилар.

— Меваси хил-хил пишиб ётган бу жаннатдай боғларчи? — деб сўрабди сайёҳ бироз йўл юргач.


— Сохиб боғбонники...

Шунда сайёҳнинг дили хушнуд бўлиб, завқшавқ билан дебди:

— Халқингиз меҳнаткаш, бой-бадавлат экан, юртнинг обод ва кўркамлиги ҳам ана шундан.

...Бу эл орасида юрган бир ҳикоянгина эмас, ер ва мулк эгаси бўлишни азал-азалдан ният қилиб келаётган халқнинг эзгу орзуси ҳам эди. Мустақиллик элимизга ана шу орзуни амалга ошириш учун имконият берди. Неча-неча йиллар бўйи қалбининг энг тўрида сақлаб келинган ана шу асрий орзу-хаваслар эндиликда ушалиб, Абдураҳим, Нурулла, Мадқаюм, Дўйсенбойлар заминдору чорвадор бўлиб, эркин ва ҳуш меҳнатнинг завқини тотмоқдалар. Мустақилликка эришилгандан сўнг ўтган беш йил қишлоқларни таниб бўлмайдиган ҳолга келтирди. Бу ҳам бўлса амалга оширилаётган ислоҳотларнинг илк меваси. Иқтисодий ўзгаришлар давом этяпти. Демак Солибойу Аширбойлар сингари ишнинг кўзини билиб, меҳнат қиладиган юзлаб, минглаб янги заминдор ва чорвадорлар етишади. Халқ бойийди, юртимиз янада обод ва кўркам бўлади.

***Рафиқ ТУРСУНОВ.***



***Бир неча йил сввал Нарзикул Набиев Бўка туманидаги Ойхўжа Йўлдошев номли жамоа хўжалигидан 10 гектар ерни ижарага олиб, деҳқончилик қила бошлаган эди. Оиласи аъзолари унга яқиндан ёрдам кўрсатдилар. Нарзикул ака пенсияга чиққач, ўғли Сирожиддин Набиев унинг ишини давом эттирди. Оила аъзолари икки йилдан бери ўн гектар майдонда беда ўстирмоқдалар. Ҳосил яхши бўлди. Икки ўримда гектаридан 90 центнердан пичан ўриб-йиғиб олинди. Ижарачи яна 40 центнердан беда ўриб олмоқчи.***

***СУРАТДА: ижарачи Сирожиддин Набиев бе́дазорда.***

***Ҳусан АВВАЛОВ олган сурат.***

# 79 ФОИЗДАН ДИВИДЕНД

*Ҳиссадорлик жамиятларида*

НАБИЖОН Қосимовнинг бу даргоҳда меҳнат қилаётганига 35 йил бўлди. Навқирон, куч-қувватга тўлган, кўнглида орзулари мўл бўлган ёш йигит шу ерда меҳнат қилиб кам бўлмади, ризқ-насибасига барака кирди, бирин-кетин фарзандларини улғайтирди. Набижон аканинг олти ўғли, бир невараси ҳам оталари бахт топган мана шу даргоҳда меҳнат қилаяптилар.

«Саноатфуқароқурилиш»корпорациясига қарашли 9-автокорхона Бекобод шаҳрининг марказий қисмида, Сирдарёнинг ўнг қирғоғида жойлашган. Корхонада Набижон акадай қўним билан ишлаб келаётган кишилар фаолиятидан кўплаб миссоллар келтириш мумкин.

— Бозор иқтисоди қийинчиликлари бизни ҳам четлаб ўтмаяпти, — деди автокорхона директори Одил Ҳакимов. — Эҳтиёт қисмлар, резина, ёнилғи-мойлаш материаллари тақчиллиги анча мушкулликларни вужудга келтирди. Ҳозир буларни топиш анча осонлашди.

Корхонамизда мавжуд бўлган 133 та юк автомобилининг 90 фоизи ишга шай ҳолда турипти. Ҳар куни уларнинг 60 фоизидан ортиқроқ ҳайдовчилари турли халқ хўжалиги юкларини белгиланган манзилларига элтиб бермоқдалар.

Автохўжалик ҳайдовчиларининг аксарияти баракали меҳнат қилмоқда. Масалан, Тошкентдаги Чорсув спорт-соғломлаштириш мажмуида ишлаётган 10 та юк машинаси шу йилнинг ўтган даврида бир миллион сўмликдан ортиқ иш бажарди. Иноможон Умаров, Жамолиддин Ҳасанбоев, Абдували Муҳиддинов, Абдулатиф Сотиволдиевлар ҳар куни белгиланганидан ортиқ юк ташишга эришмоқдалар. Умуман корхона бўйича бу йилги иш натижалари яхши. Чунончи, ўтган йилнинг шу давридагидан салкам уч баравар кўп иш бажарилиб, 3 миллион 361 минг сўмлик хизмат кўрсатилди.

Кўрсаткичлар яхшиланган сари ҳайдовчиларнинг ўз меҳнати натижасидан моддий манфаатдорлиги ҳам ортиб боряпти. Ҳозир ўртача ойлик маош 1900 сўмданга тўғри келяпти. Ҳиссадорлик жамиятига айлантирилган корхонада ярим йиллик якунлари ҳисоб-китоб қилинди. Чиқарилган ҳар бир акцияга 79 фоиз миқдорида дивиденд тўлаш имкони туғилди.

Меҳнаткашларнинг иш шароитини яхшилаш билан бир вақтда уларнинг дам олишларини ташкил этиш борасида ҳам бирмунча чоралар кўрилди. Сўлим табиат қўйнида дам олиш оромгоҳи ишлаб турипти. Мавсумий мева-сабзавот маҳсулотларининг арзон нархларда сотилиши йўлга қўйилган. Бу йил ана шу мақсад учун қўшимча пул ажратилди. 48 квартирали уй фойдаланишга топшириш арафасида турипти.

Корхона меҳнат аҳли айни кунларда ҳар бир имкониятдан унумли фойдаланиб, мавжуд даромадни кўпайтириш ҳаракатида тер тўкмоқда. Бу эса ютуқларга эришиш гарови бўляпти.

***Темур ҲАЙДАРОВ.***

# СОБИР ЧЎПОННИНГ ТАШВИШЛАРИ

МАҲАЛЛА ҳам мамлакатнинг бир нуқраси, зеро, Ватан тушунчаси худди шу ердан бошланади. Инсон кўз очиб уйини, кейин маҳалласини кўради. Йигит киши эса маҳалланинг юмушлари елкасига тушгандан кейингина инсон сифатида шакллана бошлайди. Собир чўпоннинг ёшлигидан маҳаллага боғланиб қолгани уни кўпчилик назарига солди. Аслида Собир Фозилов ота касби — чўпонликнинг бошини тутганди. У Парписойда кўпдан бери қўй боқади. Бу йилги мавсумда 320 бош қўчқорларни қишловдан беталофат олиб чиқди. Бирон-та ҳам қўчқор нобуд бўлмади.

Белгиланган 710 килограмм ўрнига бир тоннадан зиёдроқ жун топширди, лекин, Алишер Навоий номли хўжалик ҳали жуннинг қарзини узгани йўқ. Бундан ташқари қўйларнинг семизлиги учун ҳам ҳақ тўланиши керак, бу ҳам йўқ.

— Бир ёққа кетаяпманми, беради-да, — дейди Собир чўпон. — Яхшиси, юринг, бир ерга олиб борайман, сиз ҳам озгина бўлса-да ёрдам берасиз, ишимга.

Мен ҳайрон бўлдим. Оддий чўпоннинг яна қандай ишлари бўлиши мумкин? Йўлга тушдик. Йўл-йўлакай Собир чўпоннинг кўпдан бери Парписойда маҳалла қўмитасининг раиси эканлигини билдим. Муллатопилга бордик. Дашт ёнида ўсган бир тупгина қайрағочнинг этагидаги ҳовли олдида тўхтадик. Собир чўпон ичкарига кириб кетди. Сўнгра хушрўйгина бир аёлни бошлаб чиқди. Аёл шанғиллаб, гапириб чиқарди:

— Мен соқоли чиққанда отага бола бўлиб юрган йигитни эмас, боласига ота бўлган йигитни ёқтираман, — деди у, ҳатто, менинг бор-йўқлигимга ҳам эътибор бермай.

— Эринг отасига бола бўлмай, кимга ота бўляпти, қизиқ гапларни гапирасан-а, Ойсулув, — деди зардаси қайнаб Собир чўпон. — Эринг ҳар куни уйингдаку. Яна нима керак сенга?

— Қайда, у эримни иссиқсовуқ қилиб, бўйнига арқон солиб олган.

— Эринг ҳўкизмидики... етакласа кетаверадиган, — деди Собир чўпон аёлга жавобан.

Орага ноқулай сукут чўмди. Сўнг маҳалла раиси ўзича гапиргандай бўлди. — Бир ҳисобда гапинг ҳам тўғри, баъзи хотинларнинг макри қирқ туяга юк бўлади, дейишади...

— Шуни айтаманда, — деди Ойсулув. — Тавба, бу эркак зоти кўчага чиқса, суюлади қолади.

— Ўзингда ҳам айб катта, — деди Собир чўпон. — Тижорат деб ҳали Эрон, ҳали Туркия, ҳали «Отчопар», дайдиганинг дайдиган. Молпараст бўлиб қолдинг, эринг билан эса ишинг йўқ. Шундай бўлгач...

— Ўзи рўзғорга қайишмаса, бошқаларга ўхшаб, эшикдан пул топиб келишни билмаса. Ахир уч бола, унинг ўзи билан қайнонамни ҳам мен боқаяпман-ку...

— Майли, гапни майдалаштирмайлик, эринг қачон келади? Кечқурунми, мен яна, албатта, келаман. Онангни, Эшонқул акани ҳам чақиртириб кел. Сенга маслаҳат, озгина тилингни тийишни ҳам ўрган, ҳар аёллар борки, Оллоҳ уларга фақат шукроналик, қаноат ато этган...

— Бу ким, қанақа аёл? — сўрайман раисдан йўлда.

— Кўпдан бери оиласига дарз кетган, — деди Собир чўпон ўйланиб туриб. — Эр қурғур бир суюқ оёқ билан илакишиб қолган. Бир йилдан бери оилада тинчлик йўқ. Айб эса икковида. Бугун масалани узил-кесил ҳал қилиб, яна бир марта яраштириб кўраман, агар шунда ҳам бўлмаса, кейин бошқа чораси топилар...

Собир Фозиловнинг кундалик ҳаётида бундай гаплар тез-тез бўлиб туради. Ахир маҳалла қўмитасининг раиси бўлишнинг ўзи — елкага тоғдай ташвишни олиш деганику. Собир чўпон бу сингари оилавий жанжалларни бартараф қилиш билан чекланмайди. Ўтган йилдан бери Парписойда 48-мактабнинг янги биносини қурдиряпти. Бу ишга қўл уришдан олдин маҳалладаги ҳар бир оилани 500 сўмдан хайрия беришга кўндирди. Одамлар тасдиқлаган комиссия пулни рўйхат билан тўплади, ҳозир мактаб биноси қурилиши поёнига етай деб қолган.

— Сентябрга-ку топширолмасмиз, — дейди Собир чўпон, — лекин, мўжалим ноябрдан узоқ эмас. Орада тиббиёт пункти учун янги кичик бино ҳам қурдик-да. Энди навбат — мактабга. Бултур янги дўконнинг биносини қуриб бергандик. Булар ҳаммаси давлатдан бир тийин олмасдан барпо этилган.

Бу ишларга маҳалла қўмитасининг раиси Собир Фозилов бош-қош бўлган. Унга маҳалла ишларини юритишда қўмита аъзолари Дарҳонбой Исоров, Турдиали Турсунқулов, Робби Эгамқулов ва бошқалар яқиндан ёрдам беришади.

— Парписойликлар анча андишали халқ, — дейди Собир чўпон. — Улар орият ва номусни ҳамма нарсадан устун қўйсалар ҳам, баъзан Ойсулувга ўхшаган, унинг ноқонуний кундоши сингари кишилар ҳам топилиб туради. Ўшалар билан фикрлашиш қийинроқ, лекин, юртчилик экан, ҳал қилинмайдиган муаммонинг ўзи бўлмайди. Раис сифатида мен бунга кафолат бераман.

Собир чўпоннинг бошқа ташвишлари ҳам бор. Яқинда Муллатопил қишлоғидаги чўпонлар — Шавкат ва Мирзажон Йўлдошевлар сурувга ҳужум қилган битта оч қашқир билан куролсиз олишиб, уни маҳв этдилар. Аммо, ўзлари ҳам бироз шикаст топдилар. Шифохонада узоқ муолажада бўлишга тўғри келди. Бирок, хўжалик раиси Н. Матибороҳимов чўпонларни рағбатлантирмади. Собир чўпон маҳалла раиси сифатида хўжалик раҳбарига буни бир неча бор эслатди. Раис эса ҳамон оёқ тираб турипти.

— Барибир қўймайман, ҳеч бўлмаса дорига сарфланган маблағни ундириб бераман, — деди Собир чўпон ишонч билан.

Унинг бу сингари хайрли ишлари жуда кўп. Шунинг учун ҳам Собир Фозиловнинг номини Оҳангаронда доим фахр билан тилга оладилар.

***Мўмин ҚАЮМОВ.***

*Амир Темур таваллудининг 660 йиллигига*

# ЕР, СУВ ВА ДЕҲҚОН БАҲСИ



***XIV АСР охири XV аср бошида Мовароуннаҳрда ўрнатилган нисбий осойишталик, шубҳасиз мамлакатнинг иқтисодий ҳаёти ҳамда ишлаб чиқариш кучларининг ривожида ижобий омил бўлди. Хўжаликнинг асосини ташкил қилувчи деҳқончиликни ривожлантириш соҳасида юксак ташкилий ишлар амалга оширилдики, бу тадбирлар келгусида мамлакатнинг, халқнинг равнақи учун хизмат қилди. Шулар ҳақида муҳтарам газетхонларга батафсил маълумотлар бериш мақсадида мухбиримиз тарих фанлари номзодлари, доцентлар Р. ЖАЛОЛОВ ҳамда Б. ХУДОЁРОВЛАР билан суҳбатлашди.***

**МУХБИР: — Соҳибқирон салтанати даврида қишлоқ хўжалигини бошқариш тизими қандай бўлганлиги ҳақида гапириб берсангизлар.**

Б. ХУДОЁРОВ: — Амир Темур салтанатида давлат бошқаришнинг девонлар тизими пухта ишлаб чиқилган. Сарой ишларини бошқаришда бош девондан ташқари унга бўйсунувчи: шаҳар ободонлиги, ҳаммом ишлари бўйича, шикоят ва аризаларни кўриб чиқувчи, қозилик, мамлакат солиқлари билан шуғулланувчи, уруш ҳаражатларини кўриб чиқувчи, ташқи алоқалар, ҳазина ишлари, ер ишлари билан шуғулланувчи девонлар мавжуд эди.

**МУХБИР: — Ана энди ер ишлари билан шуғулланувчи девон ҳамда унинг вазирликлари хусусида маълумот берсангиз?**

Б. ХУДОЁРОВ: — Ер ишлари билан шуғулланувчи биринчи вазирлик мамлакатда ерларнинг тўлиқ экилиши билан шуғулланган. Бу вазирлик баҳор бошланиши биланоқ ерларнинг тўлиқ экилишини кузатган. Иккинчи вазирлик эса, мамлакатда янги ерларнинг очилиши, янги ариқ-зовурларнинг қазилиши билан шуғулланган. Кимда-ким янги ер очиб экин экса, уч йил солиқлардан озод қилинган. Янги каналлар қазилиб, кореz тизимида сув чиқариб, деҳқончилик қилинса, улар ҳам уч йил мобайнида давлат солиқларидан озод қилинган.

Учинчи вазирлик сувнинг тозалиги, сув йўлларининг тоза бўлишига, кўприкларнинг қурилишига жавоб берган. Кимда-ким сувнинг ифлос бўлишига сабабчи бўлса, унга ифлос нарса ташласа, сув йўлларини ва кўприкларни бузса ундайларга ҳатто ўлим жазоси қўлланган. Тўртинчи вазирлик мамлакат бўйича экинларнинг ҳосил миқдори билан шуғулланган. Қишлоқ хўжалиги экинларига одилона солиқ солиш бу вазирликнинг асосий вазифаси бўлган. Айрим ҳосили яхши бўлмаган жойларга жуда кам миқдорда ёки умуман солиқ солинмаган. Девон раҳбарлари, вазирлар эса уч йилга тайинланган. Бу синов йиллари бўлган. Шу давр мобайнида уларнинг ишларига деярли ҳеч ким аралашган эмас. Уч йилдан кейин давлат тафтиш ҳайъати раҳбарлик фаолиятини кўриб чиққан. Давлат маблағлари нотўғри сарф қилинган бўлса, бундай вазир ишдан бўшатилган ва у, жазо сифатида, уч йил мобайнида бошқа ишга тайинланган эмас. У давлат томонидан ҳам маблағ билан таъминланмаган.

**МУХБИР: — Ерлар қандай тақсимланган? Айни чоғда, ўша ерлардан олинадиган солиқлар ҳақида ҳам тўхталсангиз.**

Б. ХУДОЁРОВ: — Темур ва темурийлар даврида ерлар қуйидагича тақсимланган: «суюрғол» ерлар — темурийлар хонадонига мансуб кишиларга фақат ҳукмдор томонидан ажратиб берилган. «Тархун» ерлар —саройдаги алоҳида хизматлари, подшоҳга садоқати учун ажратиб берилган. Улардан давлат ҳисобига солиқ олинган эмас. «Вақф» ерлар — катта пирларга, эшонларга, мозорларга ажратиб берилган. «Аскарларга берилган ерлар» — армияда узоқ вақт садоқатли хизмат қилганлар учун ажратилган, булардан давлат ҳисобига солиқ олинган. «Деҳқонларнинг ерлари» — бу ерлардан доимий фойдаланганлиги учун асосий солиқ ҳирож ундирилган. Ҳосил йиғиб олингач, ҳирож маҳсулот ёки пул ҳолида тўланган. Мулк ерларнинг айримларидан ушр, шунингдек, ҳосилнинг 1/10 қисм миқдорида солиқ олинган.

**МУХБИР: — Маълумки, деҳқончилик учун ҳамиша-ҳамрўз сув зарур бўлган. Айтингчи, соҳибқирон ва унинг авлодлари даврида суғориш тармоқларига эътибор қандай бўлган?**

Р. ЖАЛОЛОВ: — Деҳқончилик ерларининг маълум бир кичик қисми қишлоқ аҳолисининг умумий ихтиёрида бўлган. Бундай ерлар жамоаларнинг мулки ҳисобланган. Жамоа ерлари мулкчиликнинг қадимий турларидан бўлиб, улар кўпроқ тоғ ёнбағрларидаги сувга танқис жойларда, сув чиқмайдиган адрларда кенг тарқалган эди. Бундай ерлар кўпчиликнинг иштироки ва маблағи билан барпо этилган.

Маълумки, ўзаро уруш йилларида турли йўллар билан издан чиққан сув иншоотлари, ташландиқ ерларга айланган экинзорлар, боғлар, Темур ва темурийлар даврида ободонлаштирилди. Қишлоқларда мавжуд бўлган суғориш тармоқларини таъмирлаш, кенгайтириш ҳамда янги ариқлар, каналлар қазиш ишлари авж олди. Деҳқончилик воҳаларининг сув таъминотлари тартибга солинди. Даштларга сув чиқарилиб, янги ер майдонлари ўзлаштирилди. Хусусий соҳибкорларнинг дашт жойлардан янги ерларни очиб, коризлар қазиб, боғлар барпо қилиш ва қаровсиз қолган ташландиқ ерларни суғориб, обод этиш учун амалга оширган ҳар қандай фаолияти Темур ва темурийлар томонидан қўллаб-қувватланган. Ҳатто, улар бир-икки йил давомида ҳамма солиқ ва тўловлардан озод этилган.

**МУХБИР: — Жуда яхши, энди айтинг-чи мўғуллар истилоси оқибатида ишдан чиққан сув хўжалиги темурийлар томонидан қай тарзда тикланди?**

Р. ЖАЛОЛОВ. — Бу саволингизга Бухоронинг қадимдан суғорилган ерлари бўйлаб олиб борилган археологик тадқиқотларни мисол тариқасида келтириш ўринли бўларди. Мўғуллар босқини оқибатида бутунлай вайрон этилган воҳанинг сув хўжалиги XV асрга келиб тўла тикланган. Унинг деҳқончилик ер майдони бирмунча кенгайтирилиб, суғориладиган ерлар чегараси Урганжи дашти томон ичкарига, қарийб 5-6 километр кириб борган. Улуғбек ҳукмронлиги даврида Бухоро воҳасининг жанубий-шарқий чегарасига ёндошган Сомонжук даштига сув чиқарилиб, янги ерлар ўзлаштирилган.

Мурғоб дарёсининг [illegible] лар босқини даврида [illegible] ташланган бош тўғони Сўғдга банднинг Шохрух томонидан қайта тикланиши ва суғориш тармоқларининг лойқадан тозаланиши туфайли, Марв шаҳри ва Мурғоб воҳаси сув билан етарлича таъминланди ҳамда сувсизликдан қуриб қолган шаҳар атрофидаги ерларга қайта сув чиқарилиб, деҳқончилик ер майдони кенгайтирилди. Султон Ҳусайн Мирзо ҳукмронлик қилган даврда эса унинг ташаббуси билан Марвируддан Янги ариқ чиқарилиб, каттагина ер майдони суғорилиб обод этилган.

Бу даврда темурийлар ва уларнинг вилоят ҳокимлари томонидан Самарқанд, Бухоро, Қашқадарё, Марв воҳаларида, Тус ҳамда Ҳирот ва унинг атрофида суғориш иншоотлари қурилиб, сув таъминоти яхшиланди. Самарқанд воҳасида Зарафшон дарёсидан бошланган Дарғом анҳоридан ўтказилган қадимги Анҳор канали қайта тикланди. Ҳаттоки, бу тармоқ орқали сувнинг бир қисми Қашқадарёга ташланиб, деҳқончилик ерларига сув етказиб берилган...

Соҳибқирон ва унинг авлодлари даврида деҳқончилик қилинадиган ерларга ҳамда суғориш ишларига жиддий эътибор билан қаралган. Бу эса улуғ бобомизнинг фидойилиги, эзгу-ко, инсонпарвар, адолатпеша бўлганлигига яна бир ёрқин далилдир.

***Суҳбатдош: Баҳодир ВАЛИЕВ.***

## ЎЗБЕК ҚЎШИҚЛАРИ ФРАНЦИЯДА

***Август ойининг бошларида Францияниng Лангон шаҳрида «Ғаройиб кечалар» номли V халқаро мусиқа фестивали бўлиб ўтди. Ушбу фестивалнинг аҳамияти шундаки, уни 4 кун ичида 6—7 минг киши томоша қилди. Фестивалнинг ўзига хос хусусияти эса унда турли мамлакатлар хонандаларининг иштирок этганлигида. Бу йилги тадбирда Миср, Бразилия, Болгария, Албания ва қатор Африка мамлакатларининг таниқли санъат усталари қатори ўзбек санъаткорлари ҳам қатнашдилар.***

Истеъдодли хонанда Матлуба Дадабоеванинг чиқиши, айниқса, мухлислар қалбидан алоҳида ўрин олди. У француз қўшиқ шайдоларини ўзбек миллий қўшиқ санъатининг дурдоналаридан «Эй, дилбари жоним», «Самарқанд ушшоғи», «Талқини баёт», «Тановар», «Омон ёр» каби қўшиқ ва лапарлар ижроси билан хушнуд этди.

Фестиваль ташкилий қўмитаси раиси, таниқли мусиқашунос Патрик Лавонинг таъкидлашича, Ўзбек хонандасининг иштироки кечага ўзгача жозиба бағишлади. Матлубанинг ўзбек миллий мусиқа асбоблари жўрлигидаги майин, ширали овози француз қўшиқ шинавандаларининг олқишларига сазовор бўлди.

Ташкилотчилар ўзбек қўшиқчиси ижросидаги дастур асосида лазер диски чиқариш ниятлари борлигини маълум қилдилар. Фестиваль қатнашчиларининг эътирофига кўра, француз қўшиқ шинавандалари ўзлари учун ўзбек юлдузини кашф этганлари маълум бўлди.

***«Жаҳон» Ахборот агентлиги.***

## МЎМИЁ ТАНГА ДАВО

Яхши мўмиё қўлда бироз эзилса, тез орада юмшайди, аксинча бўлса, қаттиқлигича қолаверади. Мўмиё ўз қувватини 40 йилгача сақлаши мумкин. Бутун организмга, айниқса, юракка қувват бахш этади. Киши заҳарланганда меъдаичак, бўғин, суяк оғриқларида, дудуқланишда, астма, қон туфлаш, ҳазм қилиш йўли тракти, буйрак, қовуқ, жигар каби органларни даволашда қўлланилади.

Абу Али ибн Сино ўз асарларида шундай ёзади: «чиққан, синган, йиғилган ва урилгандаги турли жароҳатларга фалаж ва юз фалажига қарши мўмиё ичирилса ва суртилса фойдалидир. Бош айланиши ва оғриғига, тутқаноққа фойда қилади. Қулоқдан йиринг оқишига қарши бир арпа дони миқдоридагисини гул ёғи ва ғўра узумининг суви билан қўшиб, пилик ҳолида ишлатилади. Йўталганда жилонжийда суви ва арпа суви билан уч кун кетма-кет наҳорга ичилади». Чаён чаққан жойга сариғ билан суртилади.

Мўмиёдан фойдаланишдан олдин шифокор билан маслаҳатлашиш зарур.


## ЭЪЛОНЛАР

**«ЎЗБЕК ДАВЛАТ ЦИРКИ»**
**Республика бирлашмаси**
**Тошкенбой Эгамбердиев номидаги**
**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЦИРКИДА**
**Шу йилнинг 16 августидан 15 сентябригача**
**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МУСТАҚИЛЛИГИНИНГ 5 ЙИЛЛИГИГА БАҒИШЛАНГАН**
**КАТТА БАЙРАМ ТОМОШАЛАРИ**
**ДАСТУРДА: ўргатилган кучукчалар, маймунлар, эчкилар, айиқлар ва бошқа ҳайвонлар иштирокида**
**2 БЎЛИМДАН ИБОРАТ РАНГ-БАРАНГ ТОМОШАЛАР.**
Томошалар: иш кунларида кеч соат 18.00 да, шанба ва якшанба кунлари — соат 12.00 ва 15.00 да бошланади.
Чипталар нақд пулга ва пул ўтказиш йўли билан сотилади.
**Касса соат 10.00 дан 18.00 гача ишлайди.**
***Маълумот учун телефонлар: 44-35-91, 44-29-04.***

**ҚОҒОЗИМИЗНИНГ СИФАТИ СИЗГА МАЪЛУМ**



Краснокамск шаҳридаги "ГОЗНАК" қоғоз фабрикаси

Юксак бадиий нашрлар, проспектлар, плакатлар ва ҳоказоларни чоп этиш учун оғирлиги 50-235 г/м², оқлиги ***100%***, ҳар хил форматда рулонли ГОЗНАК қоғозларини

ТОШКЕНТДАГИ ОМБОРХОНАДАН СОТАМИЗ.

Ксерокопия учун "А-4" форматли қоғозларни сотамиз. Оғирлиги 80 г/м², оқлиги 100%, бир пачкада 5 кг - баҳоси - 520 сўм.
"Ф-84" газета қоғози. Бир тоннаси 60.000 сўмдан сотилади.

| Телефонлар: | Тел./факс: | Пейджер (067) |
|---|---|---|
| 44-46-04, | (3712) | 27-29, |
| 44-46-05. | 65-77-51 | 91-08. |

**ФИРМА**
**ТОШКЕНТ ШАҲРИДАГИ ОМБОРДАН**
***полиэтилен плёнка, «Нева-5» тўқув машинаси, 320x508 автошиналарини***
**СОТАДИ**
**ПВД грануласини СОТИБ ОЛАДИ**
**Телефонлар: (3712) 77-03-40, 77-92-45.**


*Бу ажиб дунё*

### ЮЗ ЁШЛИЛАР ҚАНЧА?

РАСМИЙ ахборотларга кўра Исроилда бир асрдан кўпроқ яшаган кишилар 400 нафар экан. Мамлакатда ўрта ёшликлар ҳам анчагина. Исроиллик эркаклар ўртача 75 йил, аёллар эса 79 йил яшар экан. Юз ёшлиларнинг кейинги беш йил давомида анча кўпайганлигига сабаб, олимларнинг қайд этишларича, мамлакатда турмуш шароити, тиббиёт хизмати ва овқатланиш сифати яхшиланганлигидан экан. Бир асрдан ошган отахон ва онахонларнинг 30 фоизга яқин қисми махсус кексалар клиникаларида яшайдилар.

### БИР КУНДА КЕЛИШДИ, БИР КУНДА КЕТИШДИ

АВСТРАЛИЯНИНГ Перт шаҳрида 61 ёшли эгизаклар — Билл ва Жон Блумфилдлар бир пайтда қазо қилдилар. Улар шу вақтда шаҳардаги казинода бодибилдинг бўйича миллий мусобақани томоша қилаётган эдилар. Уларнинг иккови бир ресторанда хизмат қилаётган эдилар. Уларнинг иккови ҳам бир ресторанда хизмат қилиб, ҳеч қачон бир-бирларидан ажрашмаган эди. Қўшниларнинг айтишича, улар жуда аҳил яшаган эканлар.

## ЎЗГАКА КЎЗ МОС ТУШСА...

*Турмуш чорраҳаларида*

КЎПИНЧА уйимизга меҳмонлар келишади. Шунда турмуш ўртоғим мени уларга таништираётиб «Бу менинг ярмим» дейдилар. Аввалларн шу сўздан жаҳлим чиқарди. Кейинчалик, ҳатто фахрланадиган бўлдим. Ахир кимдир сени ўзига тенг шерик ҳисобласа, шунга муносиб кўрса бу ҳам бир ёруғлик эмасми?! Демокчи бўлганим — жуфтликнинг мукаммаллашуви балки ана шундай оддий атамалар, оддий қарашлардан бошланар...

Сизга бир воқеани айтай. Қўшнимизнинг ўғли пойтахтда беш йил ўқиб қайтганидан сўнг уйдагилар уни уйлаш тараддудига тушиб қолишди. Йигит ўзига курсдош бўлган қиз билан аҳдлашганди. Шуни онасига айтди. Она эса «Сенга шаҳар кўрган қизни олиб бермайман, ўзим мўмин-қобилгинасини топиб қўйганман», деди. «Онангни норизо қилма» дедилар кексалар ҳам. Йигит ақлли эди. Кўнди. Тўйдан кейин эса...

«Мўмин-қобил қиз»нинг ота хонадонида икки кеннойиси бор эди. Икковиям шу уйнинг ўтидан кириб, кулидан чиқишарди. Молларга қараб оғилни тозалаш, ҳовлидаги экин-текинни парваришлаш ҳам шулар зиммасида эди. Қайнона ўғиллари олдида келинларга «Эринг — пиринг, унинг гапи гап, сўзи сўз бўлиши керак», деяверарди. Келинойилар оғир-оғир гиламларни ҳовлидаги дорга ёйиб қоқишаётганида акалар сўрида чой ичиб ўтиришарди. Бирорта келинойи «Ҳой, мана бу гиламни уйга опкиришворинг» деса нақ балога қоларди. Ака гурунги бузилганидан оғриниб, хотинига хезланарди: «Мен сенга нега уйланганман-а, шуни ҳам ўзинг қилмасанг...» Хотин яна нимадир демоқчи бўлса, эри: «Отангникига кетгинг келмаётган бўлса, оғзингни юм!» дерди. Шу-шу келинойи бошқа оғиз очмасди, ҳамма ишни ўз устига юклайверарди. Шуларни кўриб ўсган қиз ҳам, тўйдан кейин ўзини худди кеноийлари каби тутди. Қайнонаси «Кўй болам, бу юмушлар сенга ярашмайди, ахир мол-ҳолга қараш эркакнинг иши. Сен янги келинсан, ўзингга қараб, ясаниб юр» дерди. Келинчак эса «Булар йўлига, мени синамоқ учун шундай дейишяпти. Тағин отамникига ҳайдалмай», деб ўйларди ва ҳовли юмушига қайта бошдан уринарди. Эрига қарши бирор гап айтишнику, гуноҳ ҳисобларди.

Бу ҳолдан куёвнинг кўнгли чўка борди. Ахир у «эру-хотинлик»ни бир-бировига йўлдошлик деб тушунарди. Шунга ҳаракат қиларди. Лекин бефойда эди. Ўзларининг турмуш аравси жар томон қараб кетаётганини ич-ичидан сезиб турарди. Бироқ нима қилсин? Келин бошқалар назарида «рисоладагидек» эди, ҳамма мақтарди. Куёвнинг эса кўнгил бўшлиқлари ҳеч тўлмасди. У рафиқасининг тобелигию-мўминлигини эмас, дилкаш суҳбатини, муҳаббатини соғинарди.

Умуман ҳар бир аёлу-эркак ана шундай муҳаббатни бир-бировига бера олиши, бир-бирининг кўнгил бўшлиқларини тўлдириб яшаши керак менинг назаримда. Қаранг, ўтмишда оила баркамоллигига, айниқса болалар тарбиясига алоҳида масъулият билан ёндошилган. Садоқатни, оилани пок сақлашни, ўзаро уйғунликни ўрганмоғимиз керак, улардан. Гоҳ-гоҳида эшитиб қоламан: ўтмиш ҳақида ёшларимиз кўпинча хато ўйларга боришади. «У замонларда хотин эрга тобе эди, эрининг оғзидан чиққанини худди чўридек бажараверишган», деган фикрга боришади. Аслида ундай эмас. Қадим халқларимиз орасида нақадар доно ўткир фикрли аёллар кўп бўлган. Бу тарихимиздан бизга маълум. Санаб ўтиришга-да ҳожат йўқ. Мана бир мисол. Менинг бобом ўзлари қанчалик донишманд бўлмасин, ҳар гапида бувимдан фикр сўраб турарканлар. Ҳатто катта давраларда ўтиришганида ҳам гапириб бўлгач, «Сен нима дейсан, онаси», деб бувимга юзланаркан. Бувим ҳам оқила аёл бўлган. Бобомнинг гапларига яраша жавоб қилаверганлар.

Ҳаётимиз нақадар гўзал. Лекин оиладаги «ички ҳаёт» турли-туман. Аслида бу оилаларнинг ҳар бири яхши ният билан барпо этилган. Шундай экан, оила умрини узайтириш, унинг ҳавосини мўътадиллаштириш ҳам эру-хотиннинг яктиллигию-якдиллигига боғлиқ. Ўзаро ҳамфикрлилик оила пойдеворини янада мустаҳкамлайди, уни меҳр нурига ўраб туради. [illegible] ликнинг шу тарика мукаммаллашуви эса бутун бир оил[illegible] жаги учун жуда-жуда муҳимдир.

***Гулчеҳра ЖАМИ[illegible]***

## МАҲАЛЛА ФУТБОЛЧИЛАРИ

Кейинги йилларда Келес шаҳри марказидаги ўйингоҳ хувиллаб қолган эди. Республика Вазирлар Маҳкамасининг Ўзбекистонда футболни ривожлантириш тўғрисидаги қароридан сўнг ўйингоҳ зудлик билан қайта таъмирланди. Туман «Келес» футбол жамоаси вилоят биринчилигида қатнаша бошлади. Мураббий Ҳакимжон Эшметов қисқа вақт ичида иқтидорли ёшларни тўплай олди. Бугунги кунда мухлислар Фахриддин Шарипов, Баҳодир Қосимов, Дилшод Аҳмедов, Арман Оқтоев сингари ўйинчиларнинг маҳоратларидан хурсандлар.

Туманда футболни оммавийлаштиришга эътибор кучаймоқда. Масалбой қишлоқ кенгашига қарашли Ёшлик маҳалласида «Бешкўрғон», Ҳиёбон маҳалласида «Ҳиёбон» футбол жамоалари ташкил топди. Улар ҳозирча 6-мактаб ўйингоҳида машқ ўтказмоқдалар.

— Бу икки маҳалла футболчиларини туман биринчилигига олиб чиқиш ниятимиз бор, — дейди қишлоқ кенгаши раиси Тўхтамурод Мамадалиев, — футболимиз қанчалик оммалашса шунчалик кўплаб иқтидорли ёшлар етишиб чиқади. Нафақат футбол, балки инсон саломатлиги гарови бўлган бошқа спорт турларига ҳам эътиборни кучайтирамиз.

***Нодир ПЎЛАТОВ.***

## ДИҚҚАТ, ГАЗ!

**ҲУРМАТЛИ ФУҚАРОЛАР, СИЗГА СУЮЛТИРИЛГАН ГАЗДАН ХАВФСИЗ ФОЙДАЛАНИШ ҚОИДАЛАРИНИ**

### ЭСЛАТИБ ЎТАМИЗ:

Суюлтирилган газ қурилмалари турар-жой бўйича шаҳар-туман газ идоралари томонидан рўйхатга олиниши шарт. Суюлтирилган газдан фойдаланганда босим регулятори, бириктирувчи шлангга эътибор беринг.

- ёниб турган газ плиталарини қаровсиз қолдирманг.
- газ баллонларини фақат шаҳар-туман газ идораларидан сотиб олинг!
- Дуч келган одамдан баллон сотиб олганлар хато қилади, чунки унинг ишга яроқлиги ва унинг тўлиқ тўлдирилганига кафолат йўқ.
- Хавфсизлик учун битта 55 литрли ёки 27 литрли газ баллонини плитага улаб қўйиш ва эҳтиёт учун яна битта 27 литрли балонни сақлаш мақсадга мувофиқдир.

Тўлдирилган газ баллонларини биноларда, ёрдамчи биноларда, турар-жойлар, муассасалар, ташкилотлар, ҳовлиларида коммунал-маиший объектларда сақлаш таъқиқланади.

Кўп қаватли уйларда баллонли газ қурилмаларидан фойдаланиш қатъиян ман қилинади.

УНУТМАНГ! Суюлтирилган газ ҳаводан оғир бўлгани учун баллондан сизиб чиққани ҳолда бинонинг пастки қисмида тўпланиб қолиб, портлаш хавфини туғдиради.

Ҳовлида, кўчада газ сизиб чиқса у катта масофага тарқалиши мумкин.

Газ баллонини қуёш нури остида ёки иссиқлик манбаи яқинида нотўғри, қоидага ҳилоф равишда сақлаш газ баллони ичида босим ортиб кетиб, баллоннинг ёрилишига ва газ-ҳаво аралашмасининг иссиқлик манбаидан портлаб кетишига олиб келиши мумкин. Газга жуда яқин бўлган масофада электр манбаидан фойдаланганда ҳам портлаш юз бериши мумкин.

Шаҳар-туман газ идоралари рухсатисиз газ баллонли қурилмаларнинг жойини ўзгартирманг. Уларни ўрнатиш қоидаларига риоя қилмаслик ёнғин ва портлашга олиб келиши мумкин.

Бинода газ ҳидини сезсангиз газ баллони вентилини беркитинг ва бинони шамоллатинг.

Қайта ёқишдан олдин албатта унинг герметик бирикув жойларини совун эмульсияси билан текширинг. Газ чиқаётганлигини аниқласангиз зудлик билан шаҳар-туман газ идораларидаги авария хизматини чақиринг ва электр асбобларидан фойдаланманг!

Суюлтирилган газдан фойдаланишда хавфсизлик қоидаларига қатъий риоя қилиш сизнинг хонадонингизда бахтсиз ҳодисаларнинг олдини олади.

***«ТОШВИЛОЯТГАЗ» ИШЛАБ ЧИҚАРИШ БОШҚАРМАСИ.***

1996 йил 20 август куни эрталаб соат 7.00 да «Оҳангарондон» акционерлик жамиятининг умумий йиғилиши бўлади. Кун тартиби:

1. Жамият бошқарувининг 1996 йилнинг 1-ярим йиллиги давомидаги молиявий-хўжалик фаолияти юзасидан ҳисоботи.
2. Жамият тафтиш комиссияси ҳисоботини тасдиқлаш.
3. 1996 йил 1-ярим йиллик бўйича соф даромад тақсимоти ва акциялар бўйича дивидендлар миқдорининг белгиланиши ҳақида.

Собир Раҳимов туманидаги «Муҳандис» кичик корхонаси **ТУГАТИЛАДИ.**

Даъволар эълон чиққан кундан бошлаб бир ой мобайнида қабул қилинади.

Манзилгоҳ: Тошкент шаҳри, Қорақамиш даҳаси 2/1, Зиёмов кўчаси, 5 уй.

Вилоят маданият ишлари бошқармаси ва вилоят илмий-услубиёт маданият маркази ходимлари вилоят илмий-услубиёт маданият маркази раҳбарининг муовини Рихситилла Ёқубовга отаси

**Сағдулло ЁҚУБОВнинг**

бевақт вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этадилар.


ТОШКЕНТ ХАҚИҚАТИ • TOSHKENT HAQIQATI

*Муассис:* ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ ҲОКИМЛИГИ

*Бош муҳаррир* Фатҳиддин МУҲИДДИНОВ

*Манзилимиз:* 700000, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32.

*Телефонлар:* хатлар ва оммавий ишлар бўлими: 33-40-48; Эълонлар: 33-99-15, 36-57-27.

• Эълон ва билдирувлардаги факт ҳамда далилларнинг тўғрилиги учун реклама ва эълон берувчилар масъулдир.

Рўйхатдан ўтиш тартиби: №8. Буюртма Г-0430. Ҳажми – 2 табоқ, офсет усулида босилди, қоғоз бичими А-2. Адади 8577 нусха.

"Шарқ" нашриёт-матбаа концерни босмахонаси. Корхона манзили: "Буюк Турон" кўчаси, 41-уй. Нашр кўрсаткичи: 64672. Босишга топшириш вақти – 20. 30. Босишга топширилди – 19.30.